





Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2003 йил 12 июнь, пайшанба • 24 (3500)-сон



АСОСИЙ ВАЗИФА – ХАВФСИЗЛИК



Агар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспорт ИИБ фаолиятини қисқача таърифлайдиган бўлсак, ушбу хизмат зиммасига, асосан, йўловчи ва юк поездларида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлиги, товар-моддий бойликларнинг дахлсизлигини таъминлаш юқланган.

Милиция ходимлари ўз бурчларига сикдидилдан ёндашаётганликлари сабабли ушбу хизмат йўналишида йил бошидан бери ёнувчи-мойлаш материаллари, автосаноат маҳсулотларини ташиш давомида бирор-та ҳам ўтирлик ёки талончилик ҳоллари юз бермади.

Суратларда: профилактика инспектори, милиция лейтенанти У. Икромов хизмат пайтида (юқоридаги сурат); ички ишлар ходимлари дон ва нефть маҳсулотлари ташилдиган вагонларни кўздан кечиришяпти. **К. АГАМЯН олган сурат.**



ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

руд хазинаси" деб донг таратган, тилла тақинчоқлардан иборат ўзига хос коллекция топилди. Эрамиздан аввалги тўққизинчи аср охирига мансуб ёдгорлик буюмлари сувкувурига беркитилган эди.

● Давлат лотереясида беш ярим миллион АҚШ доллари ютган тегаслик фуқаро полициячилар томонидан қўлга олинди. Гап шундаки, у лотерея чиптасини гиёҳвандлик моддасини сотишдан тушган пулга сотиб олган экан.

● XXV Москва кинофестивалининг танлов дастури ва ҳайъат таркиби эълон қилинди.

ди. Ушбу анжуман шу йил 20 июнда бошланади. Россия киноусталари учта фильм тақдим этадилар.

● Москва шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда ҳаёсиз фильмлар сотилишини тартибга солиш тўғрисида ҳужжат тасдиқланди. Янги қоида бўйича ана шундай фильмлар ёзилган кассеталар билан савдо қилувчи дўконлар болалар муассасалари, маданият ёдгорликлари, спорт ўйингоҳлари, концерт заллари, шунингдек боғлар ва метро бекатларидан камиди 300 метр узоқликда бўлиши керак.

● Бағдодда қуроллар йиғиб олинаётган пайтда рўй берган отишмада америкалик икки аскар яраланди. Улардан бири касалхонада вафот этди, иккинчисининг эса аҳволи оғир. АҚШ қўмондонлигининг хабар беришича, уруш тугагандан бери Бағдодда қирққа яқин америкалик аскар ўлдирилган.

● Ироқ Марказий банкидаги хуфийна жойдан жаҳонга "Ним-

Халқаро алоқалар

ДЎСТОНА ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси ИИВга АҚШ Давлат котиби ёрдамчисининг ўринбосари Б. Линн Паско ташриф буюрди. Уни республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов қабул қилди.

Вазир меҳмонга ички ишлар идораларининг асосий фаолият йўналишлари ҳақида гапириб берди ва халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик моддаларининг тарқалишига қарши кураш муаммоларига батафсил тўхталди. Ўзаро суҳбат чоғида

бошқа бир қатор масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавкулдда ва Мухтор Элчиси Д. Хёрбст ва республика Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров қатнашдилар.

Ўз мухбиримиз.

Тадбир

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан ташкил этилган "Суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари" мавзусига бағишланган семинарда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳужалик суди, Республика Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси Б. Мустафоев семинарни кириш сўзи билан очиб, суд-ҳуқуқ соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш, судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш муаммолари хусусида гапирди.

Анжуманда суд мустақиллигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги роли ва бошқа шу каби мавзудаги маърузалар тингланди.

Ўз мухбиримиз.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Сурхондарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳи ва вилоят оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкилотчилигида бўлиб ўтган матбуот анжумани "Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича олиб борилган ишлар, муаммо ва вазифалар"га бағишланди. Унда оммавий ахборот воситалари ходимлари, вилоят ИИБ ЙХХБ раҳбарияти, халқ таълими бошқармаси, "Сурхондарё-транс" ва "Сурхондарёавтотўл" бирлашмалари вакиллари иштирок этди.

Вилоят ИИБ ЙХХБ бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги М. Хасанов тадбир қатнашчиларини йўл ҳаракати

хавфсизлиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлар билан таништириб ўтди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги натижалари тўғрисида вилоят ИИБ ЙХХБ бошлигининг ўринбосари, милиция майори Б. Хушбоқов ахборот берди. Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигига дахлдор бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам шу куннинг долзарб вазифаларидан бири – ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маъруза қилдилар.

Шундан сўнг йиғилиш қатнашчилари журналистларнинг саволларига жавоб беришди.

С. НОРМУРОДОВ,
милиция майори.

«Обуна — 2003»

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "Постда" ва "На посту" газеталари ҳамда "Qalqon" ва "Шит" журналларига 2003 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда. Обуна "Матбуот тарқатувчи" ОТАЖ орқали ҳамда барча алоқа бўлимларида амалга оширилади.

Жинойат қидирув хизмати воқеалари, терговчи ён дафтаридидаги битиклар ҳамда суд очеркларига қизиқсангиз нашрларимизга обуна бўлинг. Газеталаримизда мамлакатимиз ва дунё спорти янгиликлари, теледастурлар, мунажжимлар башорати билан ҳам мунтазам танишиб борасиз. Кроссворд, сканвордлар ҳам доимий равишда бериб борилади. "Саломатлик", "Ниҳол" каби саҳифалар ҳам сизни бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз.

Кейин афсусланмай десангиз, газета ва журналларимизга 2003 йилнинг иккинчи ярми учун обуна бўлишга шошилинг.

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

"ПОСТДА" – 180 (366)
"НА ПОСТУ" – 169 (367)
"QALQON" – 970 (1083)
"ШИТ" – 971 (1084)

УЧИНЧИ «Постда»
gazetasining ilovasi
TV O'ZLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI



ТЕЗКОР ШТАБ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қароридан ички ишлар идоралари зиммасига ҳам талайгина вазифалар юкланди. Ушбу Қарор талабларини бажариш, хусусан, ғалла ўрим-йиғими даврида ички ишлар идоралари томонидан жамоат тартибини сақлаш, ёнгин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳосилнинг талон-торож қилинишига йўл қўймалик мақсадида республика Ички ишлар вазирлигида "Ғалла-2003" тезкор штаби тузилган. Ўрим-йиғим мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга жалб қилинган куч ва воси-

таларни марказлаштирилган тартибда бошқариш, тезкор-профилактик тадбирларни ўтказиш ҳамда юзага келган масалаларни ҳал этиш штаб фаолиятининг асосини ташкил этади.

Шу кунларда мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида ўрим-йиғим бошланди. Жойлардан тезкор штабга дастлабки хабарлар келиб тушмоқда. Биринчи ғалда ёнгин хавфсизлиги ва йўл ҳаракати қоидаларининг таъминланишига эътибор берилляпти. Ғалла ҳосилини талон-торож бўлишининг олдини олиш учун назорат гуруҳлари тузилган. Уларга зарур транспорт ва алоқа воситалари ажратилган.

Ўз мухбиримиз.

«Ғалла – 2003»

ҒАЛЛАКОРЛАРГА КАМАРБАСТАМИЗ

Фарғона вилоятида пишиб етилган ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишга пухта ҳозирлик кўриляпти.

– Биз ҳам кўмакка шаймиз, – дейди Охунбоев тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги А. Болтабоев. – Туманимиздаги 16 та ширкат хўжалиги ва 197 та фермернинг 9 минг гектар ерига дон экилган. Ғаллакорлар гектаридан 44 центнердан, жами 390,710 тонна дон етиштиришга аҳд қилганлар.

Мавсумда жамоат тартибини сақлашда 50 нафар ИИБ ходимлари қатнашади. Назорат постлари ташкил қилганмиз. Шу кунларда 16 нафар отлик милиция ходимлари, маҳалла по-сбонлари, қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари билан етилган ҳосилни кўриқламоқдалар. Ғаллазорларнинг чети ўрилиб,

дон ташувчи машиналар учун йўллар тайёрланмоқда. Ёнгиннинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича эҳтиёт чоралар кўрилди.

Халқимизнинг ризқ-рўзи бўлган ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиб олиш учун имкониятлар ишга солинмоқда.

Олтиариқ тумани ИИБ ходимлари ҳам масъулиятни ҳис этган ҳолда мавсумни намунали ташкил этиш учун тадбир ишлаб чиқдилар.

– Милиция майори А. Бекмирзаев раҳбарлигида "Ҳосил-2003" тезкор штаби ташкил қилинди. Унга барча хизматларнинг раҳбарлари жалб этилган. Улар ҳосил ўрим-йиғими беталафот ўтказилишига

масъулдирлар, – деди туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги М. Хонкелдиев. – Ўримга жалб қилинган комбайнлар таъмирланиб, техник назоратдан ўтказилди. 16 та ширкат хўжаликларидаги омборхоналар ҳам ғалла қабул қилишга шай. Ҳамза шаҳарчасидаги дон қабул қилиш ва тарқатиш пункти махсус ўт ўчириш воситалари билан жиҳозланди. Электр насос ва 400 кубометр сифимга эга бўлган ҳовуз қурилиб, сув билан тўлдирилди.

Ғаллазорларга бориб-келиш йўллари таъмирланди. Дон маҳсулотларини ташувчи 113 та тиркама техник кўриқдан ўтказилди.

Асосий мақсад — ғалла ҳосилини талафотсиз ўриб-йиғиб олиш экан, биз, ички ишлар ходимлари ҳам бу хайрли ишда ғаллакорларга камарбастамиз.

М. КИМСАНБОВЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида пойтахт вилояти ИИБ томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 16-24 май кунлари "Ўзағромашсервис" уюшмаси ва вилоят машина-трактор парклари бирлашмаси вакиллари билан ҳамкорликда ўрим-

ТЕХНИКАЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

йиғимда қатнашадиган комбайнлар, дон тозалагичлар ва бошқа транспорт воситаларнинг техник шайлиги, шунингдек, уларни ўт ўчириш ускуналари билан жиҳозланганлиги ўрганиб чиқилди.

Бу йилги мавсумда қатнашадиган техникаларнинг 99 фоизи тайёр, деб маълумот берилган. Бироқ ўтказилган текширувларда айрим туман машина-трактор парклари ва хўжаликларида кўплаб камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Масалан, Бўка туманидаги машина-трактор паркида 24 та "Кейс" русумли комбайнлар шайлиги билдирилган. Текшириш жараёнида мав-

жуд техникалар мотор ва гидравлика мойлари билан таъминланмаганлиги маълум бўлди. Ўртачирчиқ туманидаги мавжуд 16 та комбайннинг 9 тасида шина ва аккумулятор каби эҳтиёт қисмлар етарлича таъминланмаганлиги аниқланди. Бундан ташқари, ўрнатилган ўт ўчириш воситалари яроқсиз ҳолатда. Оҳангарон туманидаги машина-трактор паркида "Кейс" русумли иккита комбайннинг ёқилғи сифимларидаги металл қувурлари ўрнига резина шланглар улашиши натижасида ёқилғи оқиш ҳоллари кузатилди. Шу сингари камчиликлар Янгийўл, Чиноз, Оққўрғон, Оҳангарон,

Юқоричирчиқ туманлари ширкат хўжаликларининг техника саройларида ҳам учратилди.

Вилоят бўйича ғалла ташушга жалб этилган техникаларнинг аксариятига эҳтиёт қисмлари етишмайди. Ҳайдовчилар устидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги боис, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли автотехника ҳайдовчилари томонидан 689 маротаба йўл ҳаракати қоидалари кўпол тарзда бузилган. 87 та ҳолатда транспорт воситалари маст ҳолда бошқарилган. Масалан, Бўка туманидаги Й.Ҳожиметов номли

жамоа хўжалиги ҳайдовчиси Ф.Бойназаров ўзига бириктирилган "МТЗ-80" русумли, Оққўрғон туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги тракторчиси Ф. Аҳмедов "Т-28" русумли тракторни маст ҳолда бошқарганлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий чоралар қўлланилди. Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 2 нафар киши ҳалок бўлган.

Булардан ташқари, туманлар ички хўжалик йўлларида 2000 дан ортиқ йўл белгилари ўрнатиш, яроқсизларини алмаштириш, 2800 дан ортиқ огоҳланти-

рувчи устунчалар ўрнатиш, йўлларни таъмирлаш, зовур, канал, ариқ ёқалари ҳамда хавfli бурилиш жойларига тегишли тўсиқлар ўрнатиш каби ишларни амалга ошириш зарур. Бўка туманидаги "Ачамайли", "Бўка", Бекобод туманидаги "Навбахор", Навоий номили, Бўстонлик туманидаги "Хўжакент", "Сойлик", Янгийўл туманидаги Мирзабобоев, Ниёзов номили, Пскент туманидаги "Намуна", Ф.Ҳайдаров номили, Оққўрғон туманидаги "Султонобод", "Маданият" каби хўжаликларда бир қатор камчиликлар кузатилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан ғалла етиштирувчи тегишли идораларга тақдимномалар киритилди.

С. АБСАТТАРОВ,
милиция подполковниги.

Ёз — ўтади соз!

ОРОМГОҲ ЧОРЛАЙДИ

Андижон вилояти ички ишлар ва халқ таълими бошқармалари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда яна бир эзгу ишга қўл урдилар. Асака шаҳридаги вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли милиция полковниги Баҳодир Ҳошимов номли ўқув маркази қошидаги ҳарбийлаштирилган соғломлаштириш спорт оромгоҳида иккинчи маротаба болалар ҳордиқ оладиган бўлишди. Болалар бу ерда дам олиш билан бирга ҳарбий ўйинлар, саф машғулотлари, шахмат-шашка, каратэ, футбол, волейбол каби ҳар хил тўғарақларга қатнашиб, бўш вақт-

ларини мазмунли ўтказишади. Бу масканда ҳар сменада 75 нафар болалар дам олишади.

Кунни кеча оромгоҳнинг очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги М. Шамшигдинов болаларни табриклаб, уларга мароқли ҳордиқ чиқаришларини тилади. Оромгоҳнинг очилиш тантаналари байрамона тус олди. Болалар ўзлари тайёрлаган кўшиқ, шеър, куй ва рақслар билан ота-оналари ва бошқа меҳмонларни хушнуд этдилар.

Б.КЛЕЙМАН.

Миннатдорчилик

ҚУВОНЧИМИЗ СИЗЛАР ТУФАЙЛИ

Ўғлимизни уйлантирсак, бирор коримизга яраб, деган мақсадда бир бош бўрдоқи боқаётган эдик. Шу йил 30 апрель тонгида оғилхонага кирсам, мол жойида йўқ. Эшик очик ҳолатда. Ўғлим Асадилла уни ташқарига олиб чиққан бўлса

керак, дея ўйладим. У ҳам воқеадан хабар топиб каловланиб қолди. Эҳтимол арқонидан ечилиб, кўчага чиқиб кетгандир, деган ҳаёлда ён-атрофдагилардан сўраб-суриштирдик. Дараги бўлавермагач, туман ички ишлар бўлимига

муружаат қилишимизга тўғри келди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай милиция ходимларининг саъй-ҳаракати туфайли қорамол топилди. Оиламизга қувонч бағишлаган профилактика катта инспектори М. Насимов, Тузел милиция бўлини маси бошлиғи Ш. Шоакбаров, терговчи Ҳ. Зокировларга ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

М. РИЗАЕВА,
Тошкент вилояти
Қибрай тумани Тузел қишлоғи.



Жизза шаҳрида йилнинг ўтган даври мобайнида жамоат жойларида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сезиларли даражада камайди. Бунга асосан жойларда патруль-пост хизмати ходимларининг ҳудудларни хушёрлик билан назорат қилаётганлари боис эришилляпти. Яқинда эса республика Ички ишлар вазирлиги томонидан вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБга 10 та "Matiz" русумли хизмат машиналари берилди.

Суратда: ППХ ходимларидан бир гуруҳи шаҳар марказида хизмат бурчларини адо этаётган пайт акс эттирилган.

Б. БЕГИМКҲУЛОВ олган сурат.

Мутахассис минбари

ХУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК

Жамият учун зарарли ва хавфли хулқ-атвор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда ман этишлар тарзида мустаҳкамланган бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг махсус қисмида ман этилган ҳаракатлар, яъни ҳуқуқбузарликлар белгиланган.

Ҳуқуқбузарликлар ижтимоий зарарлилик даражасига қараб жиноят ва ноҳўя қилмишларга бўлинади.

Жиноят ижтимоий хавфли, жиноий жазога тортилдиган қилмиш ҳисобланади. Бундай қилмишлар Жиноят кодексининг махсус қисмида мустаҳкамланган.

Ноҳўя қилмишнинг зарарлилик даражаси ижтимоий хавфлиликка етиб бормади. Шу боис у ижтимоий зарарли айбли гайриҳуқуқий хулқ сифатида тавсифланади. У ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида юз бериши, ҳар хил объектларга қаратилганлиги ва турли оқибатларга олиб келишига қараб маъмурий, фуқаролик ҳамда интизомий ноҳўя қилмишларга бўлинади.

Ҳуқуқбузарлик жамият учун хавфли ва зарарли бўлганлиги боис юридик жавобгарликка олиб келади. Юридик жавобгарлик – бу ҳуқуқ меъёрлари санкцияларида мустаҳкамланган, ҳуқуқбузарга нисбатан шахсий, ташкилий ва мулкӣ характердаги маҳрум этишларда ифодаланган давлат мажбурлови чораларининг қўлланилишидир.

Давлат мажбурлови бу – давлатнинг ташкилий кучига асосланган ҳолда инсон хулқига таъсир этишдир. Бироқ давлат мажбурлови зўравонлик бўлмай, балки ҳуқуқ меъёрларига фуқароларни риоя этишга мажбурлашни англатади.

Унинг муҳим хусусияти амалга оширилиши қатъий ҳуқуқий тартибга солинганлигидир. Юридик жавобгарлик натижасида ҳуқуқбузар ўзи содир этган қилмиши

учун ташкилий ва мулкӣ мазмундаги маҳрум этишларга дучор бўлиш орқали жавоб беради. Бу жавобгарликнинг асосий вазифаси – ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш ва ҳуқуқбузарни ҳақ йўлга бошлаш ҳисобланиб, натижада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсад қилиб қўйилади.

Ҳуқуқбузарликнинг турли шаклларида боғлиқ ҳолда юридик жавобгарлик ҳам бир қанча турларга бўлинади. Булар: жиноий, маъмурий, интизомий жавобгарлик қабилардир. Жиноий жавобгарликка ҳуқуқбузар фақат жиноят содир этганлиги учун тортилади. Жиноий жазо қатъий процессуал қонунчиликка асосланган ҳолда, суд ҳукми билан тайинланади.

Маъмурий жавобгарлик маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун вужудга

келади. Бу юридик жавобгарлик тури маъмурий ҳуқуқ меъёрлари тартибга соладиган соҳадаги ҳуқуқбузарликлардан ташқари, яна меҳнат, молия, хўжалик ва бошқа ҳуқуқ тармоқлари тартибга соладиган соҳалардаги айрим ҳуқуқбузарликлар учун ҳам белгиланади.

Интизомий жавобгарлик интизомий ноҳўя қилмишлар туфайли вужудга келади. Бундай ноҳўя ҳаракатларнинг хусусияти шундаки, ман этувчи ҳуқуқий меъёрлар эмас, балки меҳнат мажбуриятига доир қоида бузилади. Интизомий жавобгарликнинг ички меҳнат тартиб-қоидалари, бўйсунуш тартиб-қоидалари ҳамда интизомий низомлар талабларини бузганлик учун жавобгарлик каби турлари мавжуд.

Юридик жавобгарлик инсонпарварлик, қонунийлик,

адолат тамойиллари асосида амалга оширилади. Ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам маълум сабабларга кўра нотўғри йўлга кириб қолган фуқароларга нисбатан инсонпарварлик кўрсатилаётгани намоиш этилмоқда. Жамиятимизда амалга ошаётган эркинлаштириш жараёни жиноий жазоларни либераллаштириш борасида катта бурилиш ясади. Жумладан, Жиноят кодексининг қатор моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан инсонпарварлик ғояларига мос келади.

Жиноий жазоларни либераллаштириш жиноятчиликка қарши курашни бўшаштириш дегани эмас, албатта. Бу тасодифан, маълум омиллар таъсирида жиноят содир этган ҳамда қилмишидан чуқур пушаймон бўлган, жинояти оқибатида келтирилган зарарни қоплаган кишига давлатнинг кўрсатаётган раҳм-шафқати ифодасидир.

Сардор КАРИМОВ.

Хизматларда

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Маълумки, Бекобод тумани кўшни Тожикистон Республикаси билан катта масофада чегарадош. Бу ерда ўнга яқин жамоа хўжаликлари жойлашган. Буни ва марказдан неча ўнлаб километр узоқлиги ҳисобга олиниб ҳар бир жамоа хўжалигида замонавий милиция таянч пунктлари қурилган. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида мазкур масканларда профилактика инспекторлари билан бирга қишлоқ фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, яраштириш комиссиялари, педагог-мураббийлар фаолият юритишяпти. Кутубхоналарда аҳоли адабий-бадий, ҳуқуқий адабиётлар ҳамда вақтли нашрлар билан ҳам танишдилар.

Профилактика инспекторларининг аҳоли билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари натижасида ўтган йили содир этилган учта жиноят изи "совимай" очилди.

– Дунёда юз бераётган воқеалар кўп нарсаларни ўзгартириб юборди, – дейди туман ИИБ бошқалиги, милиция подполковниги Фуломиддин Нурматов. – Яқин-яқингача кўпчиликка ёт бўлган терроризм, диний экстремизм ва бошқа оқимлар дам у, дам бу давлатда

ўзини намоён этипти. Буни эса фақат ҳамжihatликда курашибгина енгиш мумкин. Бугун ҳар ким ўз Ватани, қишлоғи, маҳалласи, уйини ўзи асраши кераклигини тушуниб етмоқда. Бизнинг вазифамиз халқ билан бирга бўлиш, унга яқинлашишдир.

Жиноятларни очишда техник жиҳоз, алоқа воситалари катта аҳамиятга эга. Шу боис барча профилактика инспекторларига рация берилган. Энг чекка ҳудудлар марказдан 40–60 чақирим узоқликда жойлашган. Уларга транспорт воситаси ажратилган. Айни пайтда барча таянч пунктларини автомашина билан таъминлаш чораси кўрилмоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда энг синалган усуллардан фойдаланилаяпти. Туман ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳалла фаоллари ҳамфикрлигида тузилган режа асосида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Тумандаги 57 та маҳаллада ҳар ойда бир марта оқсоқоллар, кўчабоши ва фаоллар иштирокида аҳвол таҳлил қилиб борилади. Бу ййгилишларда истаган барча фуқаролар қатнашиши мумкин. Улар

маҳалла тинчлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ўз таклиф, мулоҳазаларини билдирганидек, камчилик ва хатоларни ҳам айтишади.

Кексаларнинг ҳаёт тажрибасидан фойдаланиш, уларни хайрли ишларга жалб этиш, ёрдамига таяниш мақсадида, жума кунлари масжид, гузар, чойхоналарда туман ИИБ бошқалиги улар билан учрашиб, суҳбатлашади, маслаҳатлашади. Бу эса натижасиз кетмаётганлигини фуқаролардан тушаётган шикоят ва аризалар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40 фоизга камайдиган билса бўлади.

Ходимларнинг руҳини кўтариш, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганларга эҳтиром юзасидан уларнинг номлари абадийлаштирилиб, мўъжазгина боғ барпо этилди. Ўтган йили бу ерда бобомиз Амир Темура хайкали ўрнатилди.

Амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад битта – эл-юрт тинчлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг пайини қирқиш, республикамизнинг етук давлатлар даражасига кўтарилишига муносиб улуш қўшишдир.

М. ИБРОҲИМОВА.



ХОДИМЛАРНИНГ ЯҚИН КЎМАКЧИЛАРИ

Наманган вилояти ИИБда кинология хизмати ходимлари шу кеча-кундузда яратилаётган имкониятлардан кенг фойдаланилмоқда.

– Кинологларнинг билими чуқур бўлса, хизмат самарадорлиги ортади, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати бошлиғи, милиция майори Н. Сайдуллаев. – Ўқув-амалий машғулотларда хизмат итлари портловчи моддалар, қурол-аслаҳаларни қидириб топиш, жиноятчини қуролсизлантириб қўлга олиш, бинони қўриқлаш, патруль-қоровул итлари тайёрланаёпти. Бундан ташқари, ривожланган давлатлар тажрибасини шахсий таркибга ўргатиш мақсадида видеофильмлар намоиш этилмоқда.

Вилоят ИИБ тизимида 130 дан зиёд хизмат итлари мавжуд. Улар ёрдамида кўплаб жиноятларнинг олди олиниб, содир этилганлари қисқа фурсатда фош этилаяпти. Масалан, қосонсойлик Тоҳир Ж. туман ИИБга мурожаат қилиб, икки бош қорамоли ўғирлаб кетилганини маълум қилди. Воқеа жойига етиб борган ходимлар дастлабки тергов-суриштирув ишларини бошлаб юборишди. Қидирувга туман ИИБ кичик инспектор-кинологи, милиция сержанти М. Аҳмедов "Граф" лақабли хизмат ити билан жалб этилди. Натижада жабрдийданинг ҳамқишлоғи А. С. далилий ашёлар билан қўлга олинди. Хизмат итларидан жиноят

қидирув, қўриқлаш-қузатув, гиёҳвандлик воситалари ва ўқотар қуролларни аниқлашда кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, вилоят ҳудудида осойишталикни таъминлаш мақсадида ўтказилаётган "Арсенал", "Қоратори", "Антитеррор" тадбирларида махсус йўналиш бўйича тайёрланган итлардан фойдаланилаяпти. Айни пайтда бу тоифа итлар чегара ҳудудлар, қўшимча ташкил этилган назорат масканларида кўшни республика, вилоятлардан гиёҳвандлик ва психотроп моддалари, ўқотар қуроллар кириб келишининг олдини олишда милиция ходимларининг ҳақиқий кўмакчисига айланган.

Бошқа хизмат вакиллари ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда кинология хизматида таянишмоқда.

Бугунги кунда ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати самарадорлигини янада ошириш мақсадида хизмат итлари питомниги ходимлари учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Янги бино қурилиши ишлари ниҳоясига етмоқда. Ҳар бир бўлим ва бўлинмага алоҳида хоналар ажратилиб, синф хоналари замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Питомник ҳовлисига манзарали ва мевали дарахтлар, гуллар ўтқазилиб, шинам боғга айлантирилаяпти. Хизмат итлари билан машғулотлар ўтказиладиган майдонлар зарур анжомлар билан таъминланди.

Д. ТУРҒУНОВА,
милиция лейтенанти.

Маънавият

МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ

“Ватанимга хизмат қиламан”, – дея эгнимизга хизмат формасини кийганимизда ҳар биримизнинг қалбимиз нечоғлик ифтихорга тўлганлигини жўнгина сўзлар билан ифодалаш қийин. Ҳа, осойишталик посбони бўлишдек шарафли касб ички ишлар идораларининг ҳар бир ходимига ўта юксак масъулият юклайди. Қачонки бу масъулиятни юракдан ҳис қилганимизда Ватан ва халқ олдидаги бурчимизни тўлақонли адо эта оламиз.

Бугун халқимиз олдидаги катта мақсад – ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамияти барпо этиш. Бу ривожланган ҳуқуқий тизимни, омманинг ҳуқуқий маданиятли бўлишини тақозо этади. Ҳуқуқий маданият эса кишиларнинг ахлоқий ва маънавий онгининг таркибий қисми, қонунларни билишлари, ҳурмат қилишлари, ҳуқуқбузарликка, адолатсизликка мурасасизлик ва қонунга итоаткорликдан иборатдир.

Ички ишлар идоралари ходимлари халқ билан кўп мулоқотда бўладилар ва аҳолини қонунга бўйсунуш руҳида тарбиялашда муҳим мавқега эгалар. Чунки ҳуқуқий-тарбиявий ишлар улар фаолиятининг таркибий қисмидир. Айниқса, бугунги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар шароитида мазкур ишларга алоҳида мақом берилди. Бу эса ҳар бир ходимдан қонунларни яхши билиш, муҳофаза қилиш, хизмат бурчини бажариш жараёнида фуқароларнинг қонуний манфаатларини ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилиши, уларнинг фикри, мулоҳаза ва таклифларини доимий равишда ўрганиб бориш, шу билан бирга уларнинг қонунларга итоат қилишларини таъминлашларини талаб этади.

Шу ўринда инсон қонунга эмас, қонун инсонга хизмат қилиши лозимлигини ҳам унутмаслик керак. Зеро, ҳар қандай қонун бирор ижтимоий самарага эришиш учун қабул қилинади. У фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий қуроли сифатида намоён бўлади. Қонун устуворлигини ҳар бир ходим аввало, ўзининг амалий фаолияти билан қарор топирса, янада мақсадга мувофиқ бўлар эди. Демак, бу бевосита ички ишлар идоралари ходимларининг сифат таркиби қандай эканлиги билан ҳам боғлиқдир. Бунинг учун ҳар бир ходим ўзида юксак маънавиятни, касбий маҳоратни мужассам этган, мард, ҳалол, жамиятдаги ўзгаришларни, қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамиятини таҳлил қила оладиган юқори савияли, интеллектуал салоҳиятли бўлиши лозим.

Эл тинчлиги, юрт фаровонлиги жамият тараққиёти маълум жиҳатдан ички ишлар идоралари хизмат фаолияти билан боғлиқ. Бу масъулиятни ҳис қилган ҳолда, ўзларига бўлган ишонччи оқлашларини барча касбдошларимга тилар эдим.

Замира РУСТАМОВА,
милиция старшинаси.
Қашиқдарё вилояти.

Туман ички ишлар бўлимида хизмат қилаётганлар асосан ёшларни ташкил қилади. Улар ҳар томонлама пухта билимли, ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук бўлиб шаклланишига жиддий эътибор берилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган янги қарор ва қонунларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, унинг туб моҳиятини фуқароларга аниқ етказишда ички ишлар ходимлари ҳамisha фаоллик кўрсатишлари керак. Шу мақсадда ҳар ҳафтада ўтказиб борилаётган Маърифат дарсларида ходимларнинг сиёсий онгини оширишга жиддий эътибор берилаяпти. Ушбу дарсларга таклиф қилинган таниқли сиёсатшунос, тарихчи олимларнинг долзарб мавзудаги маърузалари барчада яхши таассурот қолдирмоқда.

Фаргона вилояти ИИБ ва тиббиёт бўлими раҳбарлари Жангар қишлоғида истиқомат қилувчи ички ишлар фаришси, истеъфодаги милиция катта лейтенанти Жабборали Турсунбоевга ногиронлар аравачаси совға қилишди.

– Менга нисбатан эътибордан оила аъзоларим, айниқса, ёши тўқсонни қоралаб қолган онажоним беҳад миннатдор бўлдилар, – дейди **Ж. Турсунбоев**. – Шундай гамхўрлик, эътибор учун вилоят ИИБ ва тиббиёт бўлими раҳбариятидан миннатдорман.

ЕТУКЛИК ОМИЛИ

Ёш кадрлар нечоғли тўғри танланиб, жой-жойига қўйилса, самара шунчалик юқори бўлади. Булоқбоши Андижон вилоятининг энг кенжа туманларидан бири.

Булардан ташқари қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, умумтаълим ва ҳунар мактабларида тез-тез “Сиз қонунни биласизми?” мавзуида ҳуқуқий суҳбатлар ўтказилапти. Туман прокурори А. Мирзаев ва туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги И. Юсупов иштирок этаётган бундай тадбирлар қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлмоқда.

– Туманимиз кўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош. Бу эса ходимлари-

миздан ўта ҳушёрликни талаб этади. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, турли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш мақсадида “Антитеррор”, “Арсенал”, “Паспорт-Виза”, “Орият”, “Қорадори” каби тадбирлар яхши самара берапти, – дейди туман ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция майори **Ф. Умаров**.

Азизхон БУЗРУКОВ.

ЭЪТИБОР УЧУН РАҲМАТ!



Суратда: вилоят ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникаси бошлиғи, ички хизмат лейтенанти **И. Акбаров** **Ж. Турсунбоев** билан.

МАЪНАВИЙ-СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИК МАШҒУЛОТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ЁРДАМ

АМИР ТЕМУР –

марказлашган мустақил давлат асосчиси



Гуруҳ раҳбари мавзунини ёритишда аввало Амир Темур дунёга келган даврда мамлакатдаги сиёсий вазият ва Соҳибқирон шахсига алоҳида тўхталиб ўтиши керак.

Бутун Марказий ва Кичик Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатгач, Темур кенг микёсда мустақил ташқи сиёсат олиб борди. У шунингдек, Европа мамлакатлари билан ҳам мустаҳкам дипломатик алоқалар ўрнатди. Унинг салтанатига Испания-

Кастилия, Юнонистон, Венеция, Византия ва бошқа бир қатор давлатларнинг элчилари ташриф буюриб турганлиги тарихий далилдир.

Темурнинг Боязид устидан қозонган ғалабаси Европада машҳур бўлишига олиб келади. Самарқанд билан Европа мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқалари ҳам шу даврда кучайди. Франция ва Англия қиролларининг мактублари бунинг исботидир.

Тил, дин, миллатнинг хилма-хиллиги ўзаро алоқаларга ҳалақит бермади. Ўрта Осиё орқали ўтадиган, тарихий Буюк Ипак йўли деб ном олган халқаро савдо йўлининг барча асосий йўналишларини эгаллаб олган Темур қарвонлар хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини кўрди. Тўхтамиш қўшинининг Терек дарёси бўйида

тор-мор этилиши ва 1395 йилда Берка Саройининг хароб қилиниши Олтин Ўрдага жуда кучли зарба бўлди. Шундан кейин у ўзини ҳеч ўнглай олмади. Гарчи Темур Ўрта Осиё манфаатларини кўзлаб Олтин Ўрдага қарши кураш олиб борган бўлса-да, бу кураш натижасида у Рус учун жуда катта хизмат қилди.

Анқара ёнида Темур Боязид билан жанг қилди. Бу ўша даврдаги энг шиддатли жанглардан бўлган эди. Ҳар икки томондан 200 мингдан ортиқ аскар қатнашган бу тўқнашувда Боязид қўшинлари батамом тор-мор этилди ва унинг ўзи асир олинди. Бу ғалаба фақат Осиё тарихи учунгина аҳамиятли бўлиб қолмади. Темур ўзининг ғалабаси билан Европа халқларига иккинчи марта ғиммат кўрсатди. Константинополнинг турклар томонидан

босиб олиниши қарийб 50 йил орқага сурилди.

Темур Шимолий Африка халқлари, жумладан, Миср халқига ҳам ёрдам кўрсатди. Чунки Боязид уларнинг ерларига хавф туғдириб турарди. Кейинчалик Миср Византия каби Темур ҳокимиятини урушсиз тан олди.

Темур аскар ва амир лашкарларга алоҳида эътибор беради. Ҳар бир зобит жанг қилиш услубларини яхши билиши фарз саналган. Оддий навкар низомни қатъий бажаришга мажбур бўлиб, жангда довиюрак бўлиши, омонлик истаган душманга эса юмшоқ муомала қилиши лозим ҳисобланган. Қўшинлар ҳарбий юришга чиққан вақтида, айниқса, интизомга қаттиқ риоя қилинарди. Ҳар бир бўлинманинг айлбошиси, туман офиси ва қўшин амираи ўз ўрнини яхши билар-

ди, унга қатъий риоя қиларди. Қўшиннинг асосий қисмлари олдида манглай – авангард қисмлар ҳаракатда эди. Манглай асосий кучлардан, баъзан эса бир неча туманлардан иборат бўлган. Манглай билан қўшиннинг асосий қисмлари оралиғида эса қўмондоннинг қароргоҳи ва унинг ён атрофида изофа, яъни захира (резерв) қисмлар жойлашган. Жанг оқибатини ана шу изофа қисмлар ҳал қилган. Темур қўшини асосий жанговар қисми – марказ, қанот ва сўл қанотлардан иборат бўлган.

Қўшинда айниқса, у жангга кирган пайтларда аскарлар алоҳида ўрин тутган. Жанговар сафга тизилган пиёда қисмлар отликлардан олдинда турар ва душман ҳужум қилган вақтда биринчи бўлиб жангга кирарди. Шунинг учун ҳам

қанотдаги туман ва минглик бўлинмаларида пиёдалар билан отликларни жанговар тартибда жойлаштиришга катта эътибор берардилар.

Шу тарзда Темур замонасининг энг кучли, энг жанговар қўшинини ташкил қилди. У 35 йил давомида ўзи асос солган буюк салтанатни бошқарди. Шу давр мобайнида 30 мартадан ортиқ ҳарбий юришлар уюштирди ва бирор марта бўлса-да енгилмади. Амир Темур тузган салтанат сарҳадлари жанубда Арабистон ярим оролидан шимолга – то Москва князлигига қадар, шарқда Хитой худудидан ғарбга томон Миср давлатлари ерларини ҳам ўз ичига олган худудларга қадар чўзилиб кетган эди.

Хуллас, Амир Темур буюк лашкарбоши, давлат арбоби ва улғу инсон эди. У яратган ҳарбий санъат мероси жаҳон халқларининг ҳарб илмидан муносиб ўрин олди ва бугунги кунда янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Республика ИИБ
Ички қўшинлар Бош
бошқармаси шахсий
таркиб билан ишлаш
бўлими.

UCHINCHI «Поетга» gazetasi ilovasi

TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, +
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

Гаройбот

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Қуйида "Аргументы и факты" газетаси мухбири Георгий Зотов бевосита ўзи гувоҳ бўлган тифсиз жарроҳлик операцияси тафсилотларини қисқартирилган ҳолда эътиборингизга ҳавола этамиз.

"Фиорентино Рино 84 ёшда. У мана 16 йилдирки хилерлик қилади. Жарроҳ Библияни қўлига олиб дуо ўқишни бошлади. Атрофини ёрдамчилари ўраб олишди. Медитация бошланди...



ТАНАНИ ЁРИШ

Дуо ўқиш ўн беш дақиқа давом этди. Хилернинг кўзи олайиб, ранги ўчиб, қўллари секин титрашга тушди. Кўкрагида без пайдо бўлган аёл унинг олдидаги курсига ўтирди. Фиорентино аёлнинг бошига қўлини қўйиб дуо ўқишда давом этди. Орадан 20 дақиқалар ўтгач аёл столга ётди. Жарроҳ учта бармоғини унинг елкасига тикди. Тери юзасига қон сизиб чиқди. Аёл "О Исо Масих, халоскоримиз! Менга шифо бер!" – дея пичирлади. Хилер оҳисталик билан бармоқларини тана ичидан тортиб олди. Тана ичидан суғуриб олган бир бўлак қонли гўштни жомга солди. Сўнг бир парча пахтани аёл танаси ичига тикиб қўйди-да: "Эртага кел, уни алмаштираман", – деди.

Бемор бош ирғади. Ёрдамчилар унинг елкасини муқаддас сув билан ювишди. Тана устида жароҳатнинг изи ҳам қолмади.

Столга кейинги мижоз – шиша бўлагини ютиб юборган қиз ётди. Жарроҳ бармоқлари билан унинг қорнини пайпаслаб, ошқозоннинг тўғрисида келганда ичкарига тикди. Сизиб чиққан тўқ қизил қон кўпикланиб қолди. Хилер қўлини бутунлай қорин ичига тикиб, ингичка, узун шиша парчасини олиб чиқди-да, жомга ташлади. Қиз энгил тортиб чўқинди. Жарроҳ беморнинг қорнини пахта билан артиб қўйди. Бу гал ҳам ҳеч қанақа чандиқ қолмади.

ҚАЙНОҚ ЁҒДА ҚУЙМАГАН ҚЎЛ

Стол устига навбатдаги бемор ётди. Хилер

унинг ичидан узун, қонли толани суғуриб олди. Ундан оғриқ сездингизми, деб сўрадим. Кучсизгина ток ургандай бўлди, деди мижоз. Стулга бир ярим яшар болани ўтқиришди. Унинг чаккасида катта, қип-қизил яраси бор эди. Рино ярага қўлини қўйиб, қаттиқ босиб, тинимсиз дуо ўқишга киришди. Болакай чинқириб юбориши керак эди. У эса аксинча йиғидан тўхтаб, кула бошлади.

Филиппинликлар айрим касалликларни худо бандасига жазо тариқасида юборади, деб ҳисоблашади.

– Мен хилер Алекс Орбито билан Хиндистонга борганимда, – дея ҳикоя қилади Мелвин Сальвиор, – бир бой киши йўтал қийнаб юборганидан шикоят қилиб келди. Алекс унга "Қўлимдан ҳеч нарса келмайди", – деди. "Унда Лусонга қайтганимда қабулингга кирсам бўладими?" – сўради бой киши. Орбито бош чайқаб: "Лусонда ҳам ёрдам бера олмайман. Сен яхшиши ўз бизнесингни тартибга сол", – деди. Бойваччанинг ранги оқариб кетди. Маълум бўлишича, у мовут фабрикаси ишчиларига номига иш ҳақи тўлар, уларнинг оила аъзолари ярим оч ҳаёт кечиришаркан. У ишчиларининг маошларини ошириб, иш вақтини қисқартириб, уларга бепул тушлик жорий қилгач, хасталиги ўз-ўзидан тузалиб кетди.

Қабул якунига ета бошлади. Хилер сўнгги беморнинг қорнига ҳар икки қўлини тикди. Стол усти қонга беланди. Орадан беш... ўн дақиқа ўтди. Ниҳоят жарроҳ қўлларини чиқарди. Аммо бир парча гўшт кўринмасди. Ёрдамчилардан бири беморга "Астрал кучи қамайди, эртага кела қолинг", – деди. Хона ўртасида яллиғланиб турган олов устига кокос ёғи солинган кастрюл турарди. Тез орада ёғ қизиб, қайнай бошлади. Хилер қўлларини худди совуқ сувга тикқандай қайнаб турган ёққа ботирди. У кўзбоғловчилик қилапти деган ўйда мен қўлимни кастрюлга яқинлаштирдим. Шу пайт бир неча томчи ёғ қўлимга томди. Дарҳол терим қизариб ачиша бошлади. Ёғ ҳақиқатан ҳам қайноқ эди.

Жарроҳ ҳар гал қизиб турган ёғдан ҳовучлаб олиб мижозларнинг оғриган жойларига суриб, устидан хоч шаклини чизарди. Маросим сўнггида хилернинг ёрдамчиси унинг қулоғига қичқирди. Аммо жарроҳ эшитмади. Баъзан хилерлар операциядан сўнг астрал оламдан ўзимизнинг дунёга қайтолмайди. Улар икки-уч ҳафта хушсиз ётиб вафот этади. Бундай хилерларни фаришталар ўз хузурига чорлаган деб ҳисоблашади.

... Ниҳоят Рино ўзига келди. Жуда чанқаган экан, шекилли, босиб-босиб сув ичди. Кейин беморни даволашда ёрдам бергани учун Биби Марямга ибодат қилгани кетди.

майди. Гоҳида менинг ўзим ҳам шифокорга мурожаат қиламан. Сабаби, нимага тобим қочганини, қандай касалга чалинганимни билмайман. Ҳа, ичингизда кулиб "Ўзини табиб деб билади. Яна ўзи докторга боради" деяётгандирсиз. Тўғриси ҳам шу. Аммо мен ҳеч қачон ўзимни ҳамма дардни даволай оламан, деб айтмаганман. Чунки бундай одам дунёда йўқ. Ўлган кишини ҳам тирилтира олмайман. Бир гал олдимга яқинда ўлган одамни олиб келишди. Уни тирилтиришимни сўрашди. Рад этганимни кўриб хафа бўлишди.

Президенти Рональд Рейган (ҳозир у 92 ёшда) ва Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири Маргарет Тэтчер (ҳозир у 77 ёшда) ҳам хилерлардан муолажа олишган. Ҳозирда уларнинг ҳар иккаласи ҳам соғ-саломат. Тэтчернинг фикрича, хилерлар гипноз ёрдамида даволашар экан. Кучли гипноз таъсирида бўлган бемор уни операция қилиб, хаста аъзосини даволашганига, зарарли безни олиб ташлашганига ишонади. Натижада тузалиб кетади.

Бу фикр тўғри бўлса, унақада хилер хона ичидагиларнинг ҳаммасини гипноз қилар экан-да. Чунки бугунги операция чоғида ҳаммамиз (жумладан, менинг ўзим ҳам) қон чиққанини, хилер қўлини беморларнинг танаси ичига тикқанини кўрдик.

Фиорентино америкалик генерал Жереми Стенсонни даволашдан бош тортишганини эслади. Генерал Вьетнамда кўплаб деҳқонлар ҳаётига зомин бўлган экан.

– Улар сен ёмон одамсан. Сенинг яшаб қолишингни худо хохламайди, дейишди, – хотирларди Рино. – Стивенсон укуматга, полицияга, элчиюнага шикоят қилиб кўрди. Фойдаси бўлмади. У бир йилдан сўнг вафот этди.

Ринонинг мижозлари ибодатхонада тўпланишди. Энди улар кўтаринки кайфиятда эдилар, бир-бирларига таассуротларини ҳикоя қилиб беришарди. Гарчи мен бугун кўрган воқеалар улар учун одатдаги ҳол бўлса ҳам. Чунки Филиппин қишлоқларида яшовчиларнинг кўпчилиги умриларида замонавий шифокорни бир марта ҳам кўришмаган. Улар товлари қочса, доимо хилерларга мурожаат қилишган.

– Мени ҳам бир кўриб кўясизми? – юрак ютиб Ринодан сўрадим. Хилер муғамбирона кулиб деди:

– Ҳа, қобилиятимни ўзингиз синаб кўрмоқчимисан? Ишонмаяпсанми? Майли, қарши эмасман. Аммо бугун жуда чарчадим. Астрал оламга ўтолмасам керак деб кўркаман, яхшиси эртага кел..."

(Давоми бор).

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ТИФСИЗ ЖАРРОҲЛИК

ҚОТИЛНИ ДАВОЛАШ КЕРАК ЭМАС

– Хилерлар ишонч, иймон, ихлос ёрдамида даволашади, – деб ҳисоблайди Фиорентино. – Баъзан мен ҳали ҳеч нима қилмасимдан, мижоз қандай касалликка чалинганини билмасимдан туриб бемор шифо топади. Чунки уни мен эмас, худо даволаётганига ишонишади. Аммо хилерлар кўпинча ўзини ўзи даволай ол-

Филиппиннинг собиқ Президенти Фердинанд Маркос (у 1986 йилда ҳокимиятдан четлатилган) доимо ўз хилери Эмилио Лемесга мурожаат қилиб турарди. Кувгин қилинганидан сўнг бир неча бор янги ҳокимият вакилларида Лемесни хузурига юборишларини сўради. Аммо бу илтимосини рад этишди. Натижада у уч йилдан кейин 72 ёшида оламдан ўтди.

Турли даврларда Маркоснинг тавсияси билан АҚШнинг собиқ



Фалокат оёқ остида

Москва яқинидаги кўп қаватли уйларнинг бирида бепарволик туфайли лифт кабиноси аравача ва ундаги чақалоқни эзиб юборди.

Ушбу туман марказида истиқомат қилувчи Галина исмли аёл фарзандлари билан уйга қайтаётган эди. Бир ёшли Катя аравачада мудраб ётар, 5 ёшли Андрияша эса онасининг кетидан келаётганди. Улар лифтга кириб, бешинчи қаватга кўтарилишди. Галина лифтдан биринчи бўлиб чиқиб, ўғлини олдинга ўтказиб юбориб, аравачани ўзига тортди. У аравачанинг деярли ярмини ташқарига чиқариб олганди, тўсатдан кабина Катюша билан бирга тепага кўтарилди. Аравача платформадан чиқиб

кешиб, қизча шахта ичига кулаб тушди. Лифт эса саккизинчи қаватга кўтарилиб кетди.

Галина қичқириб юборди. Унинг қайнонаси ёрдамга одам чақириб учун югуриб кетди. Эркаклар шахтага тушишса, чақалоқнинг юраги ҳали ураётган экан.

– Мен келганимда қизчани ота-онаси касалхонага олиб кетиб бўлишган эди, – деб ҳикоя қилади туман прокурори ёрдамчиси Антон Бабушкин. – Шахтада мажағланиб кетган аравача ва ўйинчоқлар ётарди.

Бу бахтсиз ҳодиса



эмасди. Катюшани клеммаларни бир-ўлдиришганди. Тезкор бири билан боғлаб туходим симларни диққат радиган улагичга кўзи билан кўздан кечириб, тушди. Айнан ана шу

нарса кабинага эшикларни ёпилмасдан, ўз-ўзидан ҳаракатланиш имкониятини берарди.

– Ўша куннинг ўзидаёқ Москвадан эксперт келиб, фожаиян кўлбола улагич туфайли содир бўлганини тасдиқлади, – деб давом этади Антон. – Бу кимнинг иши экан?

Экспертлар куйидагича тахмин қилишди: бундай улагич ёрдамида лифтда ҳар қандай оғир нарсаларни кўтариб-тушириш мумкин. Уйда истиқомат қилувчилар апрелда томни таъмирлаган ишчилар тепага лифтда рубероид олиб чиққанларини эслаб қолишди. Юк жуда оғир эди.

Катюша эртасига кечкурун оламдан ўтди. Худди ўша куни кўлбо-

ла улагичнинг пайдо бўлиши ҳақида янги ва ҳақиқатга янаям яқинроқ тахмин туғилди.

– Мутахассисларнинг айтишича, бундай улагичларни баъзан техник ишчиларнинг ўзи эшик очиб ҳолда текшириш мақсадида лифтга осонроқ ва тезроқ кириб чиқиш учун кўйишар экан, – дейди прокуратура бош терговчиси Андрей Панков. – Бу жиноят ҳисобланади. Афтидан, кимдир текширишни тугатгач, улагични олиб кўйишни ёдидан чиқарган. Ҳали аниқ бўлмаса-да, 8-қаватда истиқомат қилувчилардан бири ўша пайт лифтни чақирган, деган тахмин бор. Лекин қизчанинг ўлимида у айбдор эмас, албатта.

МЎЪЖИЗАСИЗ МЎЪЖИЗАЛАР

Ҳар кимнинг ҳам ҳаётида ҳеч бўлмаганда бир марта мўъжиза юз беради. Фақат уни биров пайқайди, бошқа биров пайқамайди. Қуйида хорижий газеталардан бирига муштариолар йўллаган мактубларни эътиборингизга ҳавола этар эканмиз, сизлардан ҳам шу мавзуда хатлар кутиб қоламиз.

ИЛТИЖОННИНГ КУЧИ

Мени бир қишлоққа хизмат сафарига юборадиган бўлишди. Яқинда ўша қишлоқ яқинида бир ўқитувчи аёлни бўрилар ғажиб кетгани ҳақида гап-сўзлар юрарди.


Одамларнинг айтишича, ёниб бўлган пичан ғарами ёнидан унинг суякларини топишган. Чўнтагидан чиққан хатда эса "Отажон, онажон! Энди бошқа кўришолмасак керак. Атрофимни бўрилар ўраб олишди. Ҳозирча пичан ёқиб жон сақлаяпман. Аммо улар тобора яқинлашишяпти", – деб ёзилган эди.

Ҳали ёш мутахассис эдим, хизмат сафаридан бош тортсам бўлмасди. Туман қишлоқ хўжалиги бўлимидан чанғи олиб (у пайтлар қишлоққа транспорт қатнамасди) йўлга чиқдим. Сафарим олдидан раҳбарларим ҳам бўрилар хавфидан огоҳлантириб, юқоридаги воқеани гапириб беришди.

Кундузи бир жамоа хўжалигини текширдим. Қош қораяётган эди. Шунга қарамай балки кейинги қишлоққа боришга улгурарман, деб йўлга чиқдим. Яна бўрилардан эҳтиёт бўлишимни тайинлашди.

Бир пасда шом чўқди. Қарасам, атрофимни митти чироқлар ўраб олишди. Улар қоронғулик кўйида тинимсиз ҳаракатланишар эди. Гап нимадалигини англадим. Аммо осонликча таслим бўлмасликка қарор қилдим. Чанғимнинг таёқлари билан ўзимни ҳимоя қила бошладим. Айни вақтда хаёлан худого ва онамга илтижо қилиб мадад, ёрдам сўрадим. Мўъжиза юз берди: аста-секин атрофимдаги ёнар нуқталар камайиб, кейин бутунлай йўқолди. Ярим соатлардан кейин узоқдан қишлоқ чироқлари кўринди.

Эртасига маҳаллий аҳоли менинг чанғимдан қолган из атрофидан бўрилар галасининг излари ҳам қолганини айтиб беришди. Меҳнат таътилига чиққанымда онамни кўргани бордим. У худди ўша кун, ўша соатда менга нимадир хавф солаётганини кўнгли сезганини, худодан мени ўз паноҳида асраганини ёлвориб сўраганини айтди.



1986 йили хотиним билан ўқитувчилик қилгани Ростов вилоятидаги Ефремовка қишлоғига келдик. Биз келишимиздан бир йил муқаддам мактабнинг собиқ директори Виктор Петрович Краснокутский сирли равишда ҳалок бўлган экан.

Бир гал давлат имтиҳонларидан сўнг ўқитувчилар жамоаси бир пиёла чой устида тўпланди. У ёқ-бу ёқдан гаплашишди, марҳум мактаб директорини эслашди. Шунда бошланғич синф ўқитувчиси Людмила Павловна жуда қизиқарли бир воқеани ҳикоя қилиб берди. У Виктор Петрович билан унинг ўлимидан бир кун олдин гаплашган, тушкун кайфиятда юрганнинг сабабини сўраган.

Краснокутский туш кўрган экан. Тушида у қишлоқ қабристонидан юрган эмиш. Атрофидан бошқа ҳамқишлоқлари ҳам бор, ҳамма марҳум қариндошларидан хабар олгани келган экан. Шу пайт яқиндаги қабрдан "Виктор! Виктор!" деган овоз эшитилибди.

Директор қабр ичига тушиб, бир неча кун олдин қазо қилган кампирни кўрибди. Кам-

АЖОЙИБ ТОПИЛМА

Ўшанда мен кичкина қизалоқ эдим. Эски уйимизнинг ҳовлисида ўйнаб юргандим. Тасодифан қадимий танга топиб олдим. Унинг бир томонида бургут тасвири зарб этилган эди. Танга чиройлилиги учун ташлаб юборгим келмай майда-чуйдаларим турадиган қутичага солиб қўйдим. Кейинчалик уни унутиб ҳам юбордим.

Орадан 6-7 йил ўтиб бир узоқ қариндошим билан гаплашиб қолдим. У қадимий тангаларни коллекция қилиш билан шуғулланар экан. Унга ўша топиб олган тангамни кўрсатдим. Танишим хурсанд бўлиб кетди. Чунки унда бунақаси йўқ экан. Ҳеч бир ичим ачишмай қариндошимга тангани ҳада этиб юбордим.

Кейинроқ кўлимда қадимий пуллар тўпланавергач, ўзим ҳам коллек-



ция қилсамми деб ўйла-ниб қолдим. Шунда қариндошимга ҳада этган ўша чиройли тангам ёдимга тушди. Ҳар гал дўстларимга борган сари бойиётган коллекциямни мақтаниб кўрсатар эканман, дастлабки топилмамни эслаб юрагим "жиз" ётарди.

Бир куни мўъжиза юз берди! Одамлар гавжум кўча бўйлаб ишдан қайтаётиб ўша тангамга ўхшаган бошқа танга топиб олдим! У ерда куёш нурида ярқираб ётарди. Зарб этилган йили, қиймати ҳам бир хил экан!

ТОБУТДАН ТОВУШ



пир "Сени эмас, бошқа Викторни чақирган эдим", – дебди. "Унда ҳозир адашимни чақираман", – деб Виктор қабрдан чиқмоқчи бўлибди. Кампир эса: "Кўявер, майли, ўзинг қолавер", – дебди.

Ана шу хосиятсиз тушдан кейин уч кун ўтиб директор оламдан ўтибди.

1990 йил баҳори эди. Биздан бир бекат нарида яшайдиган ўртоғимга кўнғироқ қилиб сайрга таклиф этдим. Уйимизнинг йўлаги олдида учрашишга келишдик. Аниқ эсимда, ўшанда кундуз соат икки эди. Гушақни кўйиб, мусавво ҳаводан нафас олгани кўчага чиқдим. Қарасам, ўртоғим келяпти. Бўлиши мумкин эмас, деб ўйладим. Ахир, унга ҳозиргина кўнғироқ қилган эдим. Орамиз эса, юқорида айтганимдек, бир бекатлик йўл.

ЙЎҚОЛГАН ВАҚТ

Унинг истикболига қараб одимладим. Шу пайт кўз олдимда чақмоқ чаққандек бўлди. Кўзимни юмиб очганимни биламан. Қарасам, ҳовлида бир ўзим турибман.

Нима бўлаётганини тушунмай гарангсиз автобусга ўтирдим... Ўртоғим эшигини очиб "Нима бало, реактив самолётмисан? Ҳозиргина телефон қилувдинг. Бир пасда етиб келибсан", – деди.

Соатимга қарасам, роппа-роса икки. Ваҳоланки, йўлимга тахминан қирқ дақиқача кетган эди. Ёки соатим тўхтаб қолганми, орқада қолганми десам, ўртоғимнинг соати ҳам шу вақтни кўрсатар эди. Унақанда орадаги қирқ дақиқа қаёққа кетганини ҳалигача тушунмайман.

ДУШАНБА, 16

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45 "Камалак". Болалар учун кинодастур.

ЎзТВ - III

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал. "Муҳаббат ристаси".
18.10 "Спорт ва болалар".

ЎзТВ - II

16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 "Давр" ҳафта ичида.
17.30 ТВ - анонс.
17.35 "Ҳақиқат чегараси".

ОРТ

11.00 Новости.
11.15 В. Тихонов, О. Жаков, И. Переверзев в фильме "Фронт без флангов".

ЎзТВ - IV

16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 "Вести".
16.50 "Хисор қўриқхонаси".

РТР

3.45 "Доброе утро, Россия!"
6.45 П. Фальк, Т. Кортни и К. Лелюш в криминальной комедии "С Новым годом!"

30-канал

16.55 гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очишти.
17.00 "Познавательная передача".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультсериал "Ураганчики".
8.30 Худ. фильм "ВЗОРВИТЕ БАНК".

ТВ 3

Кўпчилик Қисқичбақалар учун муҳим даврдир. Зеро, белгиланган режалар амалга ошади ёки рақобатга учрайди. Ақл билан иш кўришни маслаҳат берамиз. Сешанба ва чоршанба кунлари теварак-атрофдагиларга ўзингизни кўрсатиш имконияти бор. Кўпроқ ҳордиқ чиқаришни кўзлагингиз маъқул. Шундагина олдингизга қўйилган муҳим вазифаларни бажаришда муваффақиятга эришасиз.

АРСЛОН (24 июль – 23 август)

Мазкур ҳафта фаол ўтади. Аммо бу қутилган натижани бермаслиги мумкин. Шахсий ҳаётингизда кичик кўнгилсизликлар қутилмоқда. Кундалик юмушлардан ташқари янги лойиҳалар ишлаб чиқишга киришингиз мумкин.

БОШОҚ (24 август – 23 сентябрь)

Яқинларингиз билан муносабатлар яхшиланади. Муомалангиздан оила аъзоларингизни кўнгил тоғдек кўтарилади. Ҳафтанинг бошиданок иқтидорингизни намойиш этиш имконияти бор. Шанба ва якшанба кунлари яқинларингизга вақт ажрата олмайсиз. Чунки амалий ишларни ниҳоясига етказиш учун кўп қувват сарфлашингизга тўғри келади. Даромад келтирувчи ишларга бажонидил рози бўлинг.

ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь)

Ҳафта давомида оилавий муносабатлар ва амалий ишлар ҳақида жиддий ўйлаб кўришни талаб этадиган вазият юзага келади. Яқинларингиз ҳаётида муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Ижодий қобилиятингизга кўпчилик тан беради. Ҳафтанинг охирида қутилаётган воқеаларда сизнинг мавқеингиз муҳим аҳамият касб этади.

ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь)

Бу даврда кўп ишларни битиришингизга тўғри келади. Аммо қандайдир тўсиқларга учрайсиз. Мулоқот қилиш ёки дам олиш учун деярли вақт етишмайди. Дам олиш кунлари кундалик ҳаётингизда муайян ўзгаришлар рўй бериши эҳтимолдан холи эмас.

ЁЙ (23 ноябрь – 21 декабрь)

Саломатлигингизни тиклаш ва кейинги пайтда пайдо бўлган муаммоларни ҳал этиш билан банд бўласиз. Кўпчилик яқин дўстлари кўмагида ойлик машина ошириб олади. Дам олиш кунлари сизни қўллаб-қувватлаётган одамларда норозилик кайфияти ўйотмаслик учун кескин ҳаракатлар қилмасликни маслаҳат берамиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь)

Мазкур ҳафтада ишхона ва шахсий ҳаётингиздаги аҳволни яхшилашга кўп вақт сарфлайсиз. Ўзингиз ёки оила аъзоларингиздан бирортаси билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Ажойиб учрашув ва танишувлар қутилмоқда.


ҚОВҒА (21 январь – 19 февраль)

Қарама-қарши жинсдаги инсон билан муносабатларни ойдинлаштириб оласиз. Айримлар янги танишлар орттиришади. Чоршанбадан бошқа барча кунлар омад келтиради. Сафарга боришингиз эҳтимолдан холи эмас.

БАЛИҚ (20 февраль – 20 март)

Дўстлар ва сизни қўллаб-қувватлаётган инсонлар билан яхши муносабатда бўласиз. Такдим этилган совғалар, шунингдек атрофдаги кишиларнинг кўмаги кайфиятингизни кўтариб юборади. Ҳафтанинг охирига бориб мавжуд қийинчиликлар бар-тароф этилади. Қатъият билан иш кўринг. Шундагина барча тўсиқларни мардонавор енгишга муваффақ бўласиз.

Осойиш- талиқ посбони	Ашад- дий жино- ятчи								1		Аёл подшоҳ	Афса- навий куш	Резбали мурват	Ҳодиса оралиғи		
					Кун	Вилоят										
												Кошона				
2					Тоғ сув йўли	Араб ҳарфи						Ҳад				
													Шиша			
					Шоҳ- мотчи	3	Фазога учувчи аппарат								..им	Ҳар инима
							Мушиқа асари					Ҳаёт суяқ- лиғи	Қат- қат	4	Азиз ноъмат	
	Пул йиғувчи	Юрак томири қисми	Соч олувчи	Овоз кучай- тиради	Соз	Ўзбек ҳофиз	Палов	Чирой	Ост							
Гап бўлағи										Тизимча		Масофа				
													6			
	Экин донаси	5		Кури- лиш ашёси												
	Морена ...									Юкли арава қатори	Идора				Хил	
										Асар қисми						
Аниқ	Дала ҳовли	8		Кўҳна Кичик Осиё	Товуш									Тўлов	Осиё- даги давлат	
Элек- трон асбоб	Фасл		Теннис май- дони	Тур..								Асар туркуми	..ганч (шаҳар)	Посбон	Авто қисм	
					Сурат		Тан- қидий асар	Сайёра	Сай- қалли шиша							
	Тош- тахта		Хўл			9	Аиъана	Қим- матли қоғоз	Гина							
							Гава	Мар- варид	Нота						10	
	Нон тури	Пар- ранда	Футбол команда													
					Куш			Соз	Хукмдор							
							Дастгоҳ бузувчи	Ай- лайма қисми								
11								Кимё моддаси				Ҳасса	Илти- фот	Спорт уйин- лари		
							АҚШ штати			12				Сура қисми	Муз	
							Даст- лабки	Бахт	Нефть маҳсули				Товуш тури	Чиройли ёзувчи		
Спорт тури										13	Кислота тури					



1 8 4 3 6 13 7 9 1 9 11 12 5 7 10 1 Тузувчи К. ОРИПОВА

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СЕНИДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Хўжайилғор. Самарқанд. Каолин. Қанд. Диорама. Кун. Уқи. Нақл. Кио. Ун. Полковник. Рама. Ор. Ақиқа. Квадрат. Пул. Хуққабоз. Снайпер. Калта. Ма. Дов. Ван. Ўш. Ломоносов. Макинтош. Николаев. Зардўзлик. Ноз. Нав. "Шаҳноз". Фор. Кам. Кин. Ихота. Шанбалик. Иш. Тош. Ота. Айтиш. Олимпиада. Остона. Бухоро. Тиш. Зув. Ниш. Имтиёз. Он. Ёз. Панжоб. Лаққа. Қаноат. Анд. Андак. Аут. Отлиқ. Ал. Дил. Инжу. Лавсан. Аббосов. Дилафруз. Ион. Сандал. Ёд. Лат. Ёқа. Ин. Аванс. Тош. Коба. Етти. Реостат. Ер. Ва. Кам. Ре. Исо. Ёқ. Умид. Ёв. Ледерин. Мерганлик. Имо. Омин. "Кувв". Озроқ. Ҳикмат: Билим қайтариш ва такрорлаш мовасидир (Абу Али ибн Сино).

СПОРТ + ФУТБОЛ

ҚИЗИҚАРЛИ
БЕЛЛАШУВ

ХОТИРА ТУРНИРИ

Навойи вилояти ички ишлар идоралари футбол жамоалари ўртасида ички хизмат катта лейтенанти Иноят Файзиев хотирасига бағишланган турнир бўлиб ўтди. Тўрт кун давом этган баҳсларда Э. Ҳамроев бошчилик қилаётган жазони ижро этиш муассасаси вакиллари голиб чиқишди. Иккинчи ўрин А. Мардонов раҳбарлигидаги муассасасига насиб этди. Турнирнинг учинчи поғонасини М. Абдуллаев бошчилигидаги жамоа футболчилари эгаллашди. Вилоят ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими, Учқудуқ тумани ИИБ вакиллари ҳам чиройли ўйин намойиш этдилар. Мусобақа голиблари ва фахрий ўринлар соҳибларига қимматбаҳо мукофотлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

М. АСЛОНОВ,
ички хизмат капитани.

«Баркамол авлод – 2003»

ПОЛВОНЛАР
САРАЛАНДИ

Хонобод шаҳрида қуриб битказилган икки минг ўринли кураш манежиде кураш бўйича бўлиб ўтган мусобақалар якунланди.

Етти вазн тоифасида кечган баҳсларда Бухоро вилояти полвонлари умумжамоа ҳисобида биринчи бўлишди. Мусобақаларни кўтаринки руҳда ўтказиб, жамоалар ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритган Самарқанд ва Жиззах вилояти вакиллари голибликка асосий даъвогар сифатида эътироф этилган Сурхондарё ва қашқадарёликларни доғда қолдиришди.

— Кураш мусобақаларида жамоамиз вакиллари совринли ўринларни қўлга киритганидан жуда хурсандман, — дейди Жиззах вилояти терма жамоаси бош мураббийси Жаҳонгир Ашуров. — Андижон кураш майдонларида қўлга киритган муваффақиятларимиз кейинги беллашувларда ҳам галабалар сари ундайди.

ГОЛИБЛАР
ШОҲСУПАДА

Андижон шаҳар теннис мажмуасида бўлиб ўтган бокс беллашувлари якунланди. Унда 140 нафар чарм қўлқоп устаси саккиз вазн тоифасида голиблик учун ўзаро куч синашди.

Ҳоят мурасасиз ва қизиқарли ўтган жангларда андижонлик Раҳмон Тошматов 48 килограммгача бўлган вазн тоифасида галаба қозонди. Оғирлиги 51 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида жаззахлик Жавлон Каримовга тенг келадигани топилмади. Вазни 54, 58 ва 60 килограммгача бўлган Андижон бокс мактаби тарбияланувчилари — Фаррух Тожибоев, Сарвар Тожибоев ҳамда Рустам Жўрабоев барча рақибларини мағлубиятга учратиш, шоҳсупанинг юқорисига кўтарилди.

Наманган шарафини ҳимоя қилган Рустам Раззоқов вазни 64 килограммгача бўлган боксчилар орасида биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, 69 килограммгача вазн тоифасида яна бир андижонлик спортчи Жўрабек Мелибоев зафар кучди. Энг оғир вазини спортчилар баҳсида олтин медаль бухоролик Аббос Отаевага насиб этди.

Умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти боксчилари Тошкент ва Фарғона вилоятлари жамоаларини ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади.

ВОДИЙЛИКЛАР
ОЛТИН МЕДАЛЬ
СОҲИБИ

Хонобод шаҳрида белбоғли кураш беллашувлари ўз ниҳоясига етди. 126 нафардан ортиқ курашчи қатнашган мусобақада умумжамоа ҳисобида биринчилик мезбонлар — Андижон вилояти курашчиларига насиб этди. Иккинчи ўринни наманганликлар, учинчи ўринни эса Фарғона вилояти полвонлари қўлга киритди.

Етти вазн тоифасида ўтган беллашувларда наманганлик Шухрат Мирзаев, Дониёр Имомов, Тошкент вилоятидан Холдор Дадаматов, андижонлик Дониёр Ҳакимов, Мирзоҳид Зияев, Оятулло Ҳакимов, самарқандлик Азизжон Миркомиллов олтин медаль соҳиби бўдилар.

ЎЗИГА ХОС РЕКОРД

Республика ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ўйинлари ёпилишидан бир кун олдин енгил атлетикачилар мусобақалари якунланди. Жамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари 14 та олтин, 4 та кумуш, 6 та бронза медални қўлга киритиб, биринчи ўринни эгаллашди.

Иккинчи ўринда андижонликлар, учинчи ўринда эса Фарғона вилояти вакиллари. Тошкентлик Татьяна Уразаева тўртта олтин медаль соҳиби бўлиб, ўзига хос рекорд ўрнатди ва жамоаси галабасига салмоқли ҳисса қўшди.

Пойтахт вилояти Бекобод шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг қўл жанги федерациясининг 10-13 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болалар ўртасидаги республика очик чемпионати бўлиб ўтди. Унда турли вазн тоифаларидаги 218 нафар ёш қўл жанги усталари ўзаро куч синашдилар. Тўрт кун давом этган мазкур беллашувда 10-11 ёшлилар ўртасида 35 кг вазн тоифаси бўйича майдонга тушган бекободлик Шерзод Усмонов, 45 кг вазнли қизлар баҳсида ҳам мезбонлар вакили Шоҳиста Ҳозиевалар олтин медаль соҳиби бўлишди.

Ш. АНВАРОВ.

БИРИНЧИ ЛИГА: ОЛИЙГА ЧИҚАДИГАН КИМ?

Кейинги йилларда Ўзбекистон футболлари бир мунча кучайди. Бунга футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг жаҳон чемпионати финал қисмига йўллангани қўлга киритгани ёки «Пахтакор»нинг қитъа чемпионлар лигасидаги муваффақиятли ўйини туфайли Осиё футбол конфедерацияси томонидан «2002 йилнинг энг кучли жамоаси», деб эълон қилингани яққол мисол бўла олади.

Миллий биринчилик ташкил этилгандан буён ўтган йилларга назар ташласак, олий лига жамоалари орасида «Пахтакор» ҳамда «Нефтчи» доимо чемпионлик учун асосий даъвогар ҳисобланганини кўришимиз мумкин. Албатта, вақт ўтиши билан улар сирасига «Навбахор», МХСК, «Дўстлик» жамоалари қўшилди.

Қувонарлиси шундаки, икки-уч йилдан бери Қашқадарё, Зарафшон воҳалари шарафини ҳимоя қилаётган «Насаф» ва «Қизилқум» ҳам «гигантлар» сирасига қўшилиб олди. Бу мавсумда эса ўтган йилги биринчиликда олий лигадаги ўрнини базўр сақлаб қолган «Сурхон» анча мазмунли ўйин кўрсатмоқда.

Хуллас, ўн иккинчи мартаба ўтказилаётган миллий чемпионат олий лигасида ҳозирча дастлабки еттита погонани эгаллаб турган жамоалар — «Пахтакор», «Нефтчи», «Қизилқум», «Насаф», «Сурхон», «Дўстлик» ва «Навбахор»ни совринли ўринлар учун курашяпти, дейишимиз мумкин. Эътибор берган бўлсангиз, мазкур жамоаларнинг ҳар бири ўз обрўсига, тарихига ва аънаналарига эга клублардир.

Шу ўринда, олий лигага жамоаларни саралаб берадиган биринчи лига хусусида тўхталишни лозим топдик. Айни пайтда биринчи лигада жами ўн беш жамоа иштирок этмоқда. Бу мавсумда Ўзбекистон футбол федерациясига бадал пулларини тўлаш имконини тополмаган жамоалар лигадан чиқиб кетди. Ушбу ҳолат биринчи лигада жамоалар сони камайишига олиб келган бўлса-да, бошқа томондан мусобақада «ўзига тўқ» клублар иштирок этиши кутилмоқда.

8 июнь куни биринчи лига жамоалари 14-тур беллашувларини ўтказишди. Ўз тарихида биринчи марта куйи лигага тушиб кетган «Сўғдиёна» ўз майдонида олий лига мактабини кўрган «Ангрен» билан куч синашиб, 4:2 ҳисобда галаба қозонди. Бу ютуққа бир пайтлар «Пахтакор», «Нефтчи» каби номдор жамоаларда тўп сурган С.Моргулис, Р.Дўрмонов каби футболчилар



муносиб ҳисса қўшди. Ҳозир «Сўғдиёна» 13 учрашувдан сўнг 35 очко жамғариб, пешқадам бўлиб турибди.

Кейинги ўринларда бораётган Тошкентнинг «НБУ-Осиё» ҳамда «Локомотив» жамоалари ҳам олий лигага чиқиш учун даъвогарлик қилаётир. Ўн учинчи тургача иккинчи поғонада турган банкчилар ўша турда кутилмаганда «Хоразм-2003» жамоасига 1:2 ҳисобда имкониятни бой бериб қўйганди. Кейинги учрашувда Хоразмнинг яна бир вакили — «Ҳазорасп» устидан 5:1 ҳисобда қозонилган галаба ҳам «НБУ-Осиё»га ўз ўрнини сақлаб қолишга кифоя қилмади. Чунки «Локомотив» сўнгги икки тур учрашувлари

рени меҳмонда ўйнашига қарамай, аввал «Шаҳрихон»ни 1:3, кейин «Навбахор-2»ни 0:2 ҳисобда доғда қолдирди. Бошқа жамоаларга нисбатан бир ўйин кам ўтказган «Локомотив» 29 очко билан «Сўғдиёна»дан кейинги поғонага ўрнашиб олди. Банкчилар жамоаси эса 27 очко билан учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Тўртинчи ўринда бораётган «Хоразм-2003» асосий рақибларидан бири — «НБУ-Осиё»ни меҳмонда мағлубиятга учратган, Чирчиқда «Кимёгар» билан 2:2 ҳисобда дурангга эришди.

Олий лигада пешқадамлик қилаётган «Пахтакор»нинг ўринбосари — «Пахтакор-2» футболчилари биринчи лигада қолиш учун курашаётир. У ўрта-миёна жамоалардан бири «Шўртан» билан меҳмонда 2:2 ўйнади.

Ўтган йили олий лигадан пастга тушиб кетган «Зарафшон» ҳам «шўнгишда» давом этмоқда. Биринчи лигада ҳаммадан кўп — ўн тўртта ўйин ўтказган жамоа сўнгги турда меҳмонда «Шўрчи» билан куч синашди. Аутсайдерлар баҳсида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Хавфли ҳудуддан жой олган «Тошкент» «Шаҳрихон» футболчилари билан учрашувда 3:1 ҳисобда енгилди.

Мусобақа жадвалида «Сўғдиёна» яққаҳоқимлик ўрнатган. Биринчи лига жамоалари ўртасида ҳали бирон бир жамоа жаззахликларни мағлуб этолгани йўқ. «Сўғдиёна» 35 очко билан жадвалнинг энг юқори поғонасида мустаҳкам турибди. «Локомотив» жаззахликлар сингари ўз майдонидаги барча учрашувларда галаба қозонган бўлса-да, сафарда етти очко йўқотган. Лекин бу уларнинг иккинчи ўринда боришига ҳалақит қилмади. Шунингдек, «НБУ-Осиё», «Хоразм-2003», «Кимёгар» жамоалари ҳам олий лига йўлланмаси учун курашни давом эттиради.

Бирваракайига бешта жамоа — «Навбахор-2», «Чағониён», «Пахтакор-2», «Тошкент», «Зарафшон» ҳамда «Шўрчи» биринчи лигадаги ўрнини сақлаб қолиш учун курашади.

ОКЕАНИЯДАГИ БИРИНЧИ КУРАШ ТУРНИРИ

Халқимизнинг миллий қадрияти бўлган кураш халқаро спорт турлари қаторига қўшилган, тарихий қисқа муддат — тўрт йил ичида Осиё, Америка, Европа ва Африка қитъаларига кириб борди. Энди жозибадор бу спорт тури Океанияни ҳам забт этмоқда.

Бу ерда яқиндагина кураш конфедерацияси ташкил топганди. Ушбу ташкилот президенти Йохан Башофф Кха апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган ижрокўм йиғилишида ассоциациянинг Океаниядаги расмий вакили этиб тайинланган, унинг раҳбарли-

раш федерациялари тузилади.

Жорий йил 8 июнь куни Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида кураш бўйича ўсмирлар ўртасида биринчи турнир ўтказилди. Ушбу мусобақада Янги Зеландиянинг турли бурчакларидан келган 14 ёшгача бўлган 200 нафарга яқин ўғил-қиз бел олишди.

Мусобақанинг финал босқичида Авлиё Альберт ва Шимолий Соҳил мактаблари жамоалари ўзаро куч синашибди. Кескин ва мурасасиз курашларга бой бўлган ушбу беллашувда

Авлиё Альберт мактаби полвонлари биринчи ўринни эгаллади. Шимолий соҳил вакилларига кумуш, Хибискус Коаст ва Бейс Сити жамоаларига бронза медаль насиб қилди.

Энди ушбу қитъада 1-2 ноябрь кунлари катталар ўртасида кураш бўйича I Океания чемпионатини ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда. Оклендда бўладиган қитъа биринчилигида эркаклар ва аёллар учтадан вазн тоифасида голиблик учун бел олишади.

Боҳир БЕК.

Полиция тарихидан

(Охири. Боши ўтган сонларда).

Германия, Италия, Япония ва бошқа мамлакатларда тоталитар тузумларнинг таназзулга учраши илгариги полиция тизимининг ҳам ўзгаришига олиб келди. Урушдан кейинги дастлабки йиллардаёқ полицияни фуқаролик назоратига олиш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Яна маҳаллий ҳокимиятларга бўйсунадиган полиция бўлинмалари тиклана бошлади.

Ҳуқуқ-тартибот идораси фаолиятини белгилаб берувчи ҳужжатларда ҳам бу демократик қарашлар ўз аксини топди. Масалан, Италияда 1981 йилда қабул қилинган "Жамоат хавфсизлиги маъмуриятининг янги тизими тўғрисида"ги Қонунда полиция зиммасига "демократик институтларни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунларга, ҳокимият идораларининг қарорлари ва фармойишларига риоя этилишини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, табиий офатлар ва бошқа бахтсиз ҳодисалар чоғида аҳолига ёрдам бериш" вазифалари юклатилган.

АҚШда полициячилар жиноятчилар ва ҳуқуқбузарларни аниқлаш, тутиш, суд жараёнларида иштирок этиш, патруллик чоғида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, конституцион ҳуқуқларни кафолатлаш, жисмоний зўравонлик хавф солаётган ёки ўзларига гомфурлик қилишга қодир бўлмаган шахсларга ёрдам кўрсатиш, транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракатини мувофиқлаштириш, жамоат жойларида тартиб сақлаш, фавқулодда ҳолатларда фуқароларга турли хизматлар кўрсатиш каби вазифалар билан шуғулланишди. АҚШда 35 фоиз ҳолларда полициячиларни ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда ёрдам сўраб чақиради.

Бугун дунё миқёсида полиция ваколатларининг кенгайиши кузатиляпти. Қатор мамлакатларда, хусусан ГФР, Франция, Италия ва Испанияда кўпгина жиноятлар бўйича тергов-қидирув ишларини тўла ҳажмда полициячилар олиб боришади. Чунки суд ҳокимияти ва прокуратура ўзининг бу борадаги кўпгина вазифаларини полицияга ҳавола этади.

Скандинавия давлатларида бирор шахснинг жиноят содир этганига асосли ра-



вишда шубҳа туғилса, полициячи ўз қарори билан уни ҳибсга олиши мумкин. ГФР ва Италияда тартиб посбони терроризмда гумонланаётган шахсни, унинг яшаш жойи, автотранспортни суднинг рұхсатисиз ҳам тинтув қилишга ҳақли. Кўпгина ғарбий Европа мамлакатларида унча оғир бўлмаган ҳуқуқбузарликлар кўриб чиқилаётганда полициячининг гувоҳлиги айбни исботлаш учун ягона ва етарли далил ҳисобланиши мумкин. 1995 йилда Италияда қарийб 70 фоиз ишлар, Англия ва Уэльсда эса 80 фоизгача ишлар шу тахлит кўриб чиқилган эди.

Бундай ҳолларда полициячиларнинг ўзлари қонунга риоя этиши муҳим аҳамият касб этади. Аммо бу борада аҳволни доимо ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. АҚШ тартиб посбонлари йилига 20,5 минг марта инсон ҳуқуқини бузиши қайд этилади. 1990-1995 йилларда Техас штатида полициячиларнинг шафқатсизлиги, асосиз равишда қурол қўллаши, тугилганларни уриши, ҳатто ўлдириши билан боғлиқ 4 мингта текширув ўтказилди. Ҳиндистон, Покистон ва Мисрда улар кўпинча

одамларни қийнашади, аёлларни зўрлашади. Аммо полициячиларни ўз мансаб ваколатлари доирасидан чиқиб кетганлари учун жавобгарликка тортиш ҳоллари кам учрайди. 1980-1987 йилларда ГФРнинг қатор маъмурий бўлинмаларида тартиб посбонларига нисбатан кўзга тилган ишларнинг 85-99 фоизи ҳаракатдан тўхтатилган. Уларнинг 1-6 фоизигина айблов хулосаси билан яқунланган.

Вена, Лондон, Мадрид, Париж, Римда ижтимоий фикрни ўрганувчи институтлар сўров ўтказганида, сўралганларнинг 60 фоизидан зиёди полиция ваколатининг кенгайиши тарафдори бўлиб чиқди. Улар айрим осойишталик посбонлари ўз ноқонуий ҳатти-ҳаракати учун жавобгарликдан қутулиб қолаётганидан ҳам кўз юмишга тайёр.

Ҳақиқатан ҳам ҳозирги даврда ҳуқуқ-тартибот ходимлари ўта мураккаб криминал шароитда фаолият кўрсатишяпти. Қайд этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони борган сари ортаёпти. Буюк Британия, ГФР, Италия, Испания каби мамлакатларда йилига 1,5-3 миллиондан

ҳуқуқбузарлик содир этиляпти. 90-йиллар бошида Буюк Британияда ҳар 100 минг аҳолига салкам 7 мингта қонунбузарлик тўғри келди. АҚШда ҳар икки сонияда битта жиноят, ҳар 46 сонияда битта талончилик ёки босқинчилик, ҳар 5 дақиқада номусга тегиш, ҳар 20 дақиқада қасддан қотиллик содир этиляпти.

Сўнгги йилларда жиноий уюшмалар ўта фаоллашиб қолди. Улар Италия, АҚШ ва Японияда янгича сифат касб этди. Гангстерлик уюшмалари ўзаро рақобатлашиб қуролли тўқнашувларга ҳам боришяпти. Мафия фаолиятида рэкетга ўхшаган жиноят турлари энди анчайин эскирган ҳисобланади. Мафиячилар ҳозирда яширин тадбирлар, коррупцион алоқалари орқали кенг миқёсда иқтисодийга кириб бораётилар. Рецидив жиноятчилик ҳам ортаёпти. Европа Иттифоқи мамлакатларида 1990-1995 йилларда озодликка чиққан маҳкумларнинг 50-70 фоизи уч йил мобайнида қайта жиноят содир этиб яна қамалган.

Аҳолининг турмуш даражаси пастлиги жиноятчиликнинг ошишига олиб келади.

Аммо юксак моддий таъминот ва илмий-техник тараққиёт нафақат эски жиноятларни камайтирмайди, балки янги турларини ҳам келтириб чиқаради. Ғарб давлатлари тажрибаси шуни кўрсатади.

Жиноятчиликка қарши курашда махсус дастурлар яхши самара беради. Уларни амалга оширишга полиция ва бошқа давлат идоралари билан бирга маҳаллий ҳокимият ва жамоатчиликни жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жаҳон тажрибаси полиция самарали фаолият кўрсатиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозимлигини кўрсатади:

1. Жамиятнинг хоҳиш-истагини ифодаловчи, полициянинг фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий база яратилиши. Унда мазкур тизимнинг ваколати, унга рұхсат берилган ва тақиқланадиган иш усуллари кўрсатилади.

2. Полициянинг олий миллий ва маҳаллий ҳокимиятга бўйсундирилиши. Шундагина у аҳолини ҳуқуқбузарлардан ҳимоя қилиш билан бевосита шуғулланади.

3. Халқ ишончини қозониши. Аҳолининг полицияга муносабатига қараб умуман ҳокимиятга муносабатини билиб олиш мумкин. Чунки айнан полициячилар жамият ҳаётининг турли йўналишларида одамлар билан энг кўп мулоқотга киришадиган ҳокимият вакиллари дидир.

4. Полиция сафларининг тўла бутланиши ва уларнинг аксариятини малакали ходимлар ташкил этиши зарурлиги. Ҳар соҳада бўлгани сингари бу тизимда ҳам ўз ишига уста кадрларнинг етишмаслиги сезилади. Аммо бу танқислик меъёрдан ошиб кетмаслиги керак. Акс ҳолда хизмат самараси бутунлай пасайиб кетади.

5. Ходимларнинг молиявий жиҳатдан ва зарур қурол-аслаҳалар, транспорт ва алоқа воситалари, криминалистик техника билан етарли даражада таъминланиши. Фақат уруш давридагина бу шарт бажарилмаслиги мумкин.

Мазкур шарт бажарилмаса ўзларининг моддий ва ижтимоий аҳолидан норози бўлган малакали кадрлар полиция хизматини ташлаб кетишлари мумкин. Бу ҳам охири-оқибатда хизмат самарасини пасайтиради.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Навбатчилик қисми хабарлари

Ё АЛҲАЗАР!

Жанжалсиз оила кам бўлади. Ота-бола ўртасида ҳам гап қочиши мумкин. Аммо туғишганлар, бир ёстиққа кўп йил бош кўйганлар бир-бирининг ҳаётига зомин бўлса... "ё алҳазар!" дейсан киши. Наманган вилояти Янгикўрган туманилик Мухаррам Б. 30 ёшли қизи билан тил бириктириб ўз эрини

бўғиб, бошига қаттиқ жисм билан уриб ўлдирди.

НОЖЎЯ ИШ

Боғишамоллик Элбек М. ва Владик Х. ножўя ишга қўл уришди. Улар Самарқанд шаҳри темир йўл шоҳбекати ёнида 50 г героинни 1.078000 сўмга пуллаётганларида қўлга тушдилар.

ТОМОҒИГА ТИҚИЛДИ

Ҳар ким ўз вазифасини виждонан бажарганда ҳаётимиз янаям файзли бўларди. Афсуски, мансаб мавқеидан фойдаланиб ўз чўнтагини қаппайтиришга уринувчилар ҳамон орамизда учраб турибди. "Заминбанк"нинг Жиззах вилояти

бўлими ходими Нарзулло А. болалар касалхонасида бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларини текширди. Шунда у ҳужжатларда 6 миллион сўмлик иш ҳажми ортиқча кўрсатилганини аниқлади. Далолатномада бунга кўрсатмаслик эвазига қурилиш фирмаси директоридан 800 АҚШ

доллари талаб қилди. Хамир учидан патир сифатида 450.000 сўмлик "луқма"ни ютаётган пайти томоғига "тиқилиб қолди".

ЙЎЛ ХАТАРГА ТЎЛА

Кексаларимиз бекорга "сафаринг" бекхатар бўлсин" дейишмайди. Йўл

ҳамиша хавф-хатарга тўла.


Паркент туманилик ўроқ Т. ўз "Москвич"ида канал ёқалаб кетаётган эди. Бехосдан бошқарувни эплай олмай, машина сувга тушиб кетди. Натижада салонда бўлган қизи Фарида ва жияни Шерали чўкиб кетишди. Бошқа йўловчилар сувдан чиқиб олишга муваффақ бўлдилар.

17 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

ЗАҲРИ ҚОТИЛ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Ўтган ойда вилоят ички ишлар идоралари ходимлари таркибида гиёҳвандлик моддаси бор ўсимликларни ўстиришга оид 15 та ҳолатни аниқлаб, 810 квадрат метр майдондаги ана шундай ўсимликларни йўқ қилдилар. Тадбир давомида вертолётлар ёрдамида тоғ ва тоғолди ҳудудлари, дала ва сойликларнинг хилват жойлари кўздан кечирилмоқда. Китоб, Шаҳрисабз, Яқкабоғ ва Чироқчи туманларида яшовчи аҳолининг ҳовлилари, бугдойзорлар ораларидаги очик майдонлар текширувдан ўтказилди. Айниқса, республика ИИБ ва вилоят ички ишлар идоралари ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Чироқчи туманидаги "Чиял" жамоа хўжалиги ҳудудидаги қишлоқлар вертол-

ётдан кузатилиб, айрим ҳовлиларда гуллаб ётган кўкнорзорлар аниқланди. Масалан, Тўқмор қишлоғида яшовчи А. Муссаломнинг уйига туташ, атрофи баланд деворлар билан ўралган 120 квадрат метр майдондаги 3800 туп кўкнор гуллаб, шода-шода кўсак боғланган экан. Хонадон соҳибаси ёши олтишдан ошган. Мусса-



лам момо бир этак набираларга бош-қош бўлиш ўрнига инсон ҳаётига зомин бўлувчи захри қотилни парваришлайётганлигига нима дейсиз? Вертолётда бугдойзор ва тоқлар орасида экилган кўкнорлар ҳам аниқ кўринди. Оқ тўнли қишлоғида яшовчи, ўзини Жонбиби Р. деб таништирган аёлга тегишли томорқада 40 туп кўкнор гуркираб ўсаётган экан. Милиция ходимлари уларни йўқ қилишди. Текширилганда онахоннинг асил исм-шарифи Давлат Д. бўлиб чиқди. Ёши 65 да, 8 нафар фарзанднинг онаси, кўлаб набираларнинг бувиси бўлган аёлнинг кишини алдаши эриш туюларкан. Шу қишлоқда

яшовчи Рўзи бобо ҳам томорқасидаги тоқзор ораларида 56 туп кўкнорни ўстираётган экан. 88 ёшли бобо ўз қилмишидан уялиб қолди. "Чиял" жамоа хўжалиги бошқаруви раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳалла фаоллари наҳотки қишлоқдаги бу қонунбузарликлардан беҳабар бўлса?

Қарши туманида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида эса "Намуна" жамоа хўжалигининг Файзиобод қишлоғида яшовчи Дўрмон Х. томорқасидаги 6,5 квадрат метр жойда 2005 туп кўкнор ўсимлиги ўстираётганлиги аниқланди. Бу мўйсафид ҳам турли баҳоналарни рўқач қилди.

Таққиланган экинларни бемалол экиб, ўстираётган фуқаролар қонуний жазога тортилиб, экинлари йўқ қилинди.

Ҳ. ҲАЙДАРОВ.

ТАДБИР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Май ойининг иккинчи ўн кунлигида Фарғона вилояти ҳудудида таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ноқонуний равишда етиштириш билан боғлиқ 29 та ҳолат бўйича жиноят иши кўзга тилинди.

Тадбир давомида ички ишлар ходимлари томонидан Риштон тумани Жалаер қишлоғида яшовчи Тўхтасин Р.нинг томорқасида 800, бағдодлик Сотволди Т.ниқидан 1154, Кува тумани Мозортаги қишлоғида яшовчи Эйтиборхон Т.ниқидан 82, Бешариқ тумани Қораянтоқ қишлоғида Манзураҳон Х.ниқидан 30 тупдан кўкнор ўсимлиги парваришланаётгани аниқланди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Кўп марта огоҳлантирилишига қарамай, айрим фуқароларнинг билатуриб қонунларимиз бузилишига йўл қўяётганлиги ачинарли ҳолдир. Тадбирнинг дастлабки кунларида вилоятдаги ички ишлар ходимлари риштонлик А. Д.нинг уйдан контрабанда мақсадларида сақланаётган 27 килограммга яқин героин топишди.

Фарғона шаҳрида яшовчи Дилшод ҳамда тожикистонлик Рустам бир килограмм опийни 5000 АҚШ долларига сотаётганларида милиция ходимлари томонидан далилий ашё билан ушландилар. Кува тумани ИИБ ходимлари эса Баҳодир исмли шахсни марихуана сотаётганда ушладилар. Унинг уйи кўздан кечирилганда яна 945 грамм ана шундай гиёҳвандлик моддаси сақлаётгани ҳамда томорқасида 82 туп кўкнор ўсимлигини парваришлайётгани аниқланди.

"Қорадори-2003" тадбири давомида қонунбузарлардан шу кунгача 28 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик моддалари далилий ашё сифатида олинди.

Б. ОМОНЗОДА.

Галлаорол тумани ИИБ ходимлари таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни экиш ва парваришлашни аниқлаш бўйича олиб борилаётган тадбирни уюшқоқлик билан ўтказишяпти. Вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ билан ҳамкорликда тузилган махсус гуруҳ аъзолари режага асосан иш кўришяпти.

НАШАВАНДНИНГ БАҲОНАСИ

Оқтош қишлоғида яшовчи Узоқбой А. ҳовлининг кўзга ташланмайдиган қисмида 220 туп кўкнор ўстираётганди. Хушёр ходимлар уни топиб, ёқиб ташлашди.

Мукри қишлоғида ота-бола Субхановлар эса салкам 500 туп кўкнор етиштираётган эдилар ўсимликлар қўёш нуридан яхши баҳраманд бўлсин дея азим дарахтни кесиб ташлашди. Ички ишлар ходимлари ташриф буюргач, қонунга хилоф иш қилганларини бўйинларига олиб, экинларни ўриб, йўқ қилишди.

Абдукарим қишлоғида Муса А.нинг "деҳқончилиги" баракали экан. Бу йигит тап тортмасдан 50 квадрат метр майдонда 1250 туп кўкнор ўстираётганди. Ички ишлар ходимлари ўтказган тадбирда оғу йўқ қилинди.

Фуқаро Юсуф Ш. ва Салтанат Қларнинг қилган ишлари ҳаммасидан ўтиб тушди. Улар ҳам томорқага наша экиб, ҳафсала билан парваришлайётгандилар. Ички ишлар ходимлари бу қонунга зид эканини, эслатиш-

ганда улар шифокор берган маълумотномани рўқач қилишди.

— Мен бангиман, кўкнор ичиб турмасам касалим кўзгаб қолади, — деди Юсуф Ш.

— Ҳеч кимга томорқасида оғу етиштиришга рухсат этилмаган, — деди туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги М. Муқимов. — Шифокорлар берган маълумотнома эса бу фуқароларнинг гиёҳвандлик касалига мубтало бўлгани ва улар даволаниши лозимлигини англатади. Нашавандлар қандай баҳонани рўқач қилмасин, қонун олдида жавоб берадилар.

Ҳозиргача туманда таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар парвариши бўйича ўн бешга яқин ҳолат аниқланди. Тадбир давом этмоқда. Ходимлар овлоқ ерлар, жарликлар, кўздан пана жойларни кўздан кечиришяпти. ИИБ ходимлари — милиция капитани Б. Номозов, милиция катта лейтенантлари О. Абдувалиев, З. Қайомовлар айниқса фаоллик кўрсатишмоқда.

С. ШАМСИДИНОВ.

Мухбиримиз бонг уради

ҚАРОВСИЗ ЙЎЛЛАР



Питнак шаҳри кўҳна Хоразмнинг кунчиқар томонида жойлашган. Вилоятга кириб келаётган барча автомобиллар ана шу шаҳардан ўтади. Хўш, умумий узунлиги 325,6 километрни ташкил этувчи ушбу йўлнинг аҳволи қандай? Биз ана шу саволга жавоб топиш мақсадида Ҳазорасп туманидан бу шаҳарга кираверишдаги автомобиль йўлининг 70-километрида тўхтадик. Автобус бекати олди ўнқир-чўнқир, чуқурчалар ёмғир суви билан лик тўла. Йўлнинг носозлиги автомобилларнинг белгиланган жойда тўхташига жиддий халал бермоқда. Натижада автобуслар бекатда эмас, балки йўлнинг ҳаракатли қисмида тўхташга мажбур бўлишяпти.

— Ҳақиқатан ҳам ҳудудимиздаги йўлларнинг аҳволи жуда ёмон, — дейди Питнак шаҳар милиция бўлими бошлиғи, милиция майори Қ. Аллаберганов. — Уларни таъмирлаш, талаб даражасига келтириш билан бирор-бир ташкилот шуғулланмаяпти.

Ушбу масалага аниқлик киритиш мақсадида шаҳар ҳокимлигига ташриф буюрдик.

— Шаҳримиз Ҳазорасп туман ҳокимлигига қарашли, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар ҳокимининг ўринбосари Оллоёр Отажонов. — Яширишнинг ҳожати йўқ, йўлларимизнинг аҳволи ниҳоятда ачинарли. Бизга асфальт беришса, бошқа хизмат ходимлари ёрдамида йўлларни имконият даражаси-

да таъмирламоқчи эдик. Лекин асфальтнинг ўзи йўқ. Бу масала бўйича вилоят автомобил йўллари бошқармасига мурожаат қилдик. Афсуски... қоникарли жавоб олганимиз йўқ.

Сафар давомида йўлларнинг аҳволи ҳақида ҳайдовчиларнинг фикри билан ҳам қизиқдик:

Рустам СУЛТОНОВ, ҳайдовчи:

— Йўлнинг аҳволи ёмонлиги сабаб машинани бошқаришда

қийналяпмиз. Наҳотки, вилоятимизга кириб келувчи ягона йўлни таъмирлашнинг иложи бўлмаса?

Розик РАМОЗОНОВ, ҳайдовчи:

— Бир йилдирки, ушбу йўлдан қатнайман. Аммо унинг аҳволи талабга жавоб бермайди. Бошқа йўл бўлмагач, ундан юришга мажбуримиз.

Мурод ИСМОИЛОВ, ҳайдовчи:

— Қадим-қадимдан сув келтирган, кўприк қурган, йўлларни равон қилган киши халқ хурмати сазовор бўлган. Уларнинг бу ишлари ниҳоятда савоб саналган. Шундай экан, шаҳар йўлларини ҳам дид билан таъмирлаш керак. Бу — савоб иш-ку!

Тан олиш керак, воҳада барча соҳалар бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ўйлаймизки, тегишли ташкилот раҳбарлари тез кунда Питнак шаҳар ҳудудидаги йўлларни талаб даражасида таъмирлаш ишларини ҳам бошлаб юборишади.

Х. ЖАББОРОВ.

Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Миробод тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.

Зухра Эргашевна ТОЛИПОВА. 1964 йилда туғилган. Фарғона вилояти Фурқат тумани Болтақул қишлоғида яшаган. 1998 йил 4 сентябрь кунин уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-170 см, юзи чўзиқроқ, сочи қора, қоши сийрак, лаби қалин, қулоқлари ёпишган, кўзи қора, ғилайроқ.

Кийимлари: эгнида яшил кўйлак, оёғида кўк шиппак бўлган.



Жаникул Тасмуратович ТАЖИКУЛОВ. 1938 йилда туғилган. Миробод тумани Ойбек мавзеси 20-уй 96-хонадонда яшаган. 2002 йил 2 январь кунин уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170, юзи чўзиқроқ, сочи тўлқинсимон, оқ оралаган, лаби юққа.

Кийимлари: бошида жигарранг мўйна-ли қалпоқ, эгнида калта пальто, қалин шим, оёғида қора калта этик бўлган.



Виктор Станиславович КУХАРСКИЙ. 1973 йилда туғилган. Миробод туманида яшаган. 1999 йил 24 ноябрь кунин уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, юзи чўзиқроқ, сочи қора, қоши ёйсимон, кўзи қора.

Кийимлари: эгнида кўк ранг трико, қора камзул, оёғида қора туфли бўлган.



Ҳайитбой НУРМАТОВ. 1940 йилда туғилган. Миробод тумани. Қўйлик даҳаси 1-мавзе 6-а уй 35-хонадонда яшаган. 2001 йил 26 декабрь кунин уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160 см, қоши қора, кўзи қисик, сочига оқ оралаган, бурни қийшиқроқ.

Алоҳида белгиси: ўнг қўл ва ўнг оёғида "Привет друзья" ёзувли татуировка бор.

Кийимлари: эгнида жигарранг камзул, ҳаворанг кўйлак, ҳаворанг жемпер, кулранг шим, бошида кулранг қалпоқ, оёғида жигарранг этик бўлган.



Евгений Владимирович МАЛАХОВ. 1976 йилда туғилган. Миробод тумани Қўйлик даҳаси 4-мавзе 13-уй, 56-хонадонда яшаган. 2002 йил 15 октябрда уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 175 см, юзи чўзиқроқ, сочи қора, лаби юққа, шалпанг қулоқ.

Кийимлари: эгнида оқ кўйлак, қора жинси шим, оёғида қора туфли бўлган.



Лидия Сергеевна ПЕРЕВАЛОВА. 1931 йилда туғилган. Миробод тумани Т. Шевченко кўчаси 26-уй 6-хонадонда яшаган. 2001 йил 20 апрель кунин уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160 см, юзи чўзиқроқ, сочига оқ оралаган, қоши ёйсимон, лаби юққа, қулоғи ёпишган, кўзи қора.

Кийимлари: эгнида яшил пальто, пушти свитер, оч ранг юбка, оёғида калиш бўлган.

Юқоридан номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига ёки Миробод тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.



Жиноятга жазо муқаррар!

ҚҲЙХОНАДАГИ

«БЎРИЛАР»

Коровулбозор тумани чўл худудидида ўтган йилнинг иккинчи ярмида бир нечта отарда анча-мунча қўй йўқолди. Агар чўпонлар жониворларни бўрилар еб кетган деб ўйлашса, адашади. Чунки 93 бош қўйни бир кечада ейиш учун қанча бўри керак?

Шу боис дарҳол тергов-суриштирув гуруҳи тузилди, унга кенг жамоатчилик жалб қилинди. Туман автокорхоналари раҳбарлари ходимларимизни транспорт воситалари билан таъминлаб, «бўрилар»ни қўлга олишда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Т. Сатторов тергов-тезкор гуруҳи ишини шахсан ўзи назоратга олиб, керакли маслаҳат ва таклифларни киритар эди. Ходимларимиз ва жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатлари

билан туман худудидида Муборак туманидаги «Муборак» наслчилик ширкат хўжалиги бош чўпони Б. Ражабовнинг моддий жавобгарлигида бўлган 17 бош қўй-қўзиларни ўғирлаб автомашинага юклаб, қочиб кетаётган шахслар қўлга тушдилар. Шу кеча учта «бўри»дан икkitаси қўлга олинди. Улар Косон тумани Пистали ширкат хўжалиги Гулистон қишлоғида яшовчи Жўра Элмуродов ва Содик Хўжаковлар эди.

Дастлабки тергов жараёнида гумондорлар қўй-қўзиларни бўғизлаб, «Москвич» автомашинасида ўғирлаб кетмоқчи бўлганликларини, қочиб кетган жиноий шериклари муқаддам судланган, Косон тумани Турон ширкат хўжалиги Бўрихона қишлоғида яшовчи Шойим Кунназаров эканлигини айтиб, айбларига иқроор бўлдилар. Ж. Элмуродов ва С. Хўжаковлар туман суди томонидан тегишли муддатларга озодликдан маҳрум этилди.

Шойим Кунназаровга қидирув эълон қилинди.

Олиб борилган тезкор қидирув ва ўзаро ҳамкорлик ўз самарасини берди. Қидирувда юрган «бўри» – Шойим Кунназаров шу йил 18 апрель куни қўлга олинди. Унга қўшилган бошқа «бўрилар» ҳам аниқланди. Булар Косон тумани Гуваляк ширкат хўжалигида яшовчи Рашид Чўлиев, шу туманлик Ҳамза Шониёзов, Холикул Хўжанасов эди.

Тергов-суриштирув жараёнида аниқланишича, ушбу жиноий гуруҳ ўтган йил 13 сентябрда ўтар кечаси туман «Қоракўлчилик» ширкат хўжалигининг чўл худудидида Пўлот Қурбонов жавобгарлигида бўлган 93 бош қўй-қўзиларни «КамАЗ» русумли автомашинага юклаб олиб кетганлар. Ўғирланган молларни ўзаро бўлиб олиб, Самарқанд вилояти бозорида номаълум шахсларга сотишган.

Жиноятчилар Турдиали Аvezов исми шахсга тегишли «КамАЗ» русумли давлат

автомашинасидан фойдаланганлар. Рашид Чўлиев бу танишига шахсий юкларимни олиб келаман, деб унинг автомашинасини олиб, уни ноқонуний бошқарган. Ўғирлик молларини шу автомашинада жиноий гуруҳ аъзолари билан олиб кетган.

Ачинарли томони шундаки, қўни-қўшнилар бу шахслар қандай бойлик ортириши билан қизиқмаганлар. Қолаверса, чўпонларнинг ҳам айби йўқ эмас. Чунки улар ҳушёрликни унутганлар.

Тезкор суриштирув ишлари давомида қўшни Навоий вилояти Қизилтепа тумани худудидида ҳам ушбу жиноий тўда томонидан ўтган йил июнь ойида 84 бош қўй ўғирланганлиги аниқланди.

Оқсалла қишлоғилик муқаддам судланган Рашид Чўлиев ва жиноий гуруҳнинг бошқа аъзоларининг бу қилмишларида профилактика инспекторларининг айби бор. Чунки Ўзбекистон Республикаси ИИБ меъёрий ҳужжатларига асосан жойларда кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда муқаддам судланганлар билан етарли даражада иш олиб борилганда улар томонидан такрорий жиноят содир этилишининг олди олинган бўлар эди.

Туман миқёсида «Тозалаш», «Ўсмир», «Антитеррор», «Арсенал» каби кенг қамровли тадбирлар ўтказилаётганига қарамай айрим фуқаролар, корхона ва ташкилот раҳбарлари «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!» шiorини эсдан чиқариб қўйганлар. Шунинг оқибатида кўпчилик ҳолларда ўзлари истамаган ҳолда жиноятчиларга юқоридаги каби қилмишлари учун шарт-шароит яратиб беришмоқда. Қолаверса, «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшинингни ўғри тутма» деган мақолни ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак.

К. ИБРАГИМОВ,
туман ИИБ бошлиғи,
милиция полковниги.

ҲИҚМАТ
Беморга малҳамдек
ҳаёт бағишла,
Чорасиз қолганга на-
жот бағишла.



ИЛМИГА АМАЛ ҚИЛМАГАН АЁЛ

Санобар Воисова бошда «Бешиқдан қабргача илм изла» деган ҳикматга амал қилди-ю, олий маълумот олгач, дипломни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, нопоклик сари юзтубан кетди. Шовот туманида истиқомат қилувчи бу аёл ўғирликка қўл уриб, нафақат ўзи, қўшниси, ўн гулидан бир гули очилмаган Машхўрбек, турмушга чиқмаган қизи Зухранинг ҳаётини ҳам захарлади.

Устоз сабоғини олган Машхўрбек ўтган йили куз кунларидан бирида О. Хидиров номли ширкат хўжалигида яшовчи Шоназар аканинг ариқ бўйида боғлоқлик турган сигир ва бузоғини кўриб, бу ҳақда дарҳол опага хабар берди. Санобар шогирдининг чаққонлигидан бениҳоя мамнун бўлди. Улар тунги режа устида бироз бош қотиргач, белгиланган соатда учрашишди. Шу тунда яхши ният билан боқилаётган сигир ва бузоқ ўғирлаб кетилди. Санобар «ўлжа»ни ҳамроҳи билан «Гулистон» ширкат хўжалигида яшовчи қариндоши Фурқатниқига олиб бориб, сигирни 120 минг сўмга сотишди ва пулини «арра» қилишди.

– Курка керак эди, – деди у меҳмонлар билан шошиб-пишиб хайрлашар экан. – Жўжа очтирмоқчи эдим. Топиб берсанглар яхши бўларди.

– Сенбоп курка менда бор! – деди Санобар ҳам ҳозиржавоблик билан. – Уйга борсанг бериб юбораман.

Шу куни кечкурун улар Фурқатнинг бу ҳожатини ҳам чиқаришди. Қадамбойнинг товукхонасидан курка ва товукларини ўмариб кетишди. Товукларни арзон баҳода сотиб, куркаларни 15 минг сўмга пуллашди.

Санобарнинг нафси кундан-кунга ҳаққалак отиб бораверди. Бу гал у фойдани бегона қилгиси келмай, Машхўрбекнинг ўрнига қизи Зухрани «шогирдлик»ка олди. Тошкент-

дан тижорат ишлари билан қайтган Зухра чарчаганидан мириқиб ухлаб ётарди. Санобар уни тунги соат иккиларда туртиб уйғотди. Қиз қаршилик кўрсатди. Она шундан сўнг дўқ-пўписага ўтди.

– Борасан! Олди-сотдингдан топган пулинг ясан-тусанингга ҳам етмайди. Қайсарлик қилма. Бир-икки соатлик уйқунгдан кечсанг олам гулистон.


Хуллас, аврай-аврай қизини кўндирди. Бироқ бу сафар Санобарнинг ови юришмади. Собир аканинг сигир-бузоғи она-бола ўғриларга насиб этмади. Бунга Шовот тумани ИИБ ходимлари ҳа-лақит беришди.

Ж. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма ходими, милиция капитани Р. Муҳамедова онаси **Мастура МУҲАМЕДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

БОЛАЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Фаргона вилояти ИИБ ҲООБга қарашли Қўқон шаҳар вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ўн ёшлардаги ўғил бола олиб келинган. У ўзини **Улғбек ҚУРБОНОВ** деб таниш-тирди. Яшаш манзилини аниқ билмайди.



Белгилари: бўйи 120 см, сочи, кўзи қора.

Алоҳида белгиси: пешонасининг ўртароғида тирналгандан қолган чандиқ бор.

Кийимлари: эгнига кўк «Адидас» футболка, трикотаж шортик, оёғига қалиш кийган.

Улғбекнинг ота-онаси ёки яқинлари Қўқон шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин.

Тошкент шаҳар ИИББ ҲООБга қарашли вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига Мирзо Улғбек туманидан Европа миллатига мансуб тўрт ёшлардаги қизча келтирилган. У исми **Мая** эканлигини айтиб, ота-онаси, яшаш жойи тўғрисида ҳеч қандай маълумот беролмаган.



Белгилари: бўйи 105-110 см, ўртача ғавдали, сочи калта, сариқ, кўзи кулранг.

Кийимлари: эгнида қизил кофта, оқ шортик, оёғига қизил пайпоқ, яшил шилпак бор.

Қизчанинг ота-онаси ёки яқинлари Тошкент шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри Норхўжаев кўчаси 52-уй. Телефонлар: 93-35-56, 191-34-31.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Яккасарой тумани ИИБ томонидан 1953 йилда туғилган Муаззам Тишабаевна **МАҲМУДОВА** қидирилмоқда. Тумандаги **М. Хожина**ва кўчаси 48-уйда яшаган. 2003 йил 17 май куни тунда уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 150-155 см, тўладан келган, юзи юмалоқ, қоши, сочи, кўзи қора.

Кийимлари: эгнида кўк рангли, гулли кўйлак, бошида жигарранг, гулли рўмол бўлган.

Алоҳида белгиси: қорнида кўричак жарроҳлигидан қолган чандиқ бор.

М. Маҳмудовани кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига ёки Яккасарой тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

Миробод тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.

Андрей Валентинович БОГДАНОВИЧ. 1975 йилда туғилган. Миробод тумани Қўйлик даҳаси 4-мавзе 19-уй 43-хонадонда яшаган. 1999 йил 21 март куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 180 см, юзи чўзикроқ, сочи қора, қоши қалин, лаби юлқа, қўлоғи ёпишган, кўзи қора.

Кийимлари: эгнида қора чарм камзул, қора кўйлак, тўқ кўк ранг трико, оёғида туфли бўлган.

Одилжон Шодмонкулович РОҲАТОВ. 1980 йилда туғилган. Бекобод шаҳри 14-миттитуман 42-уй 4-хонадонда яшаган. 2000 йил 5 июль куни уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 170 см, юзи чўзикроқ, сочи, қоши қора, ёйсимон, кўзи қора, мўйлов кўйган, хушбичим.

Кийимлари: эгнида сариқ кўйлак, қора шим, қора босаножа бўлган.

Александр Витальевич ЦВЕТКОВ. 1974 йилда туғилган. Миробод тумани 1-Бехтерёв кўчаси 186-уй 3-хонадонда яшаган. 1999 йил 29 апрель куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.




Белгилари: бўйи 171 см, юзи чўзикроқ, сочи қора, қўлоғи ёпишган, қиррабурун.

Кийимлари: эгнида қора камзул, жигарранг шим, оёғида қора туфли бўлган.

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига ёки Миробод тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига ёки Миробод тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.



КЕКСАЛИК ГАШТИ

Биласизми?!

ФРАНЦИЯДА ТЕХНИК КЎРИК

Машиналарни кўриб, текшириб чиқиш турли жараёнларни ўз ичига олади. Бунга турли давлатларда ўзига хос тартиб-қоидалар бўйича ёндашилади.

Масалан, Францияда муайян тартибга риоя қилинади. Дастлабки тўрт йилда унинг эгаси ўзгарадими ёки йўқми, бундан қатъи назар, техник кўрик ўтказилмайди. Гап шундаки, бу муддат ичида ҳар қандай тартибли ҳайдовчи ўз автомобиллини ишдан чиқариб, унинг юришида хавф туғилишига асло йўл қўймайди. Биринчи техник кўрик автомобилнинг тўрт йиллигидан сўнг бир-икки ҳафта ичида ўтказилмоғи керак. Акс ҳолда катта миқдорда жарима солинади.

Техник кўрик махсус ихтисослашган устахоналарда икки йил мобайнида бир марта ташкил қилинади. Машинани кўриб чиқиш 20-30 дақиқача вақтни олади. Уни 52 та асосий кўрсаткичлар бўйича текшириш кўзда тутилган. Техник кўрик 60-65 АҚШ долларига тушади. Шундан кейин автомобиль эгаси махсус ҳужжат, шунингдек, "КГ" белгиси туширилган тўртбурчакли қоғоз олади.

Мисрда энг қадимги мўмиёланган жасад аниқроғи, унинг қолдиқлари топилди. Ёғоч тобут ичида бундан камида 5 минг йил илгари мўмиёланган мурданинг суяклари бор эди. Жасаднинг тўлиқ сақланиб қолмаганига сабаб, у пайтлар ҳали мўмиёлаш технологияси охиригача ишлаб чиқилмаган эди.

БЕБАҲО ТОПИЛМА

Мисршунослар бу топилмани ўрганиб, мўмиёлаш санъатининг илк келиб чиқиш тарихини тадқиқ қилишлари мумкин. Ўликларни мўмиёлаш қадимги Миср аҳолисининг у дунё ҳақидаги диний тасавурлари билан боғлиқдир. Бу қарашларга кўра, киши ўлгач, кейинроқ руҳи яна танага қайтаркан. Шунинг учун улар танани сақлаш чораларини излашган. Бу изланишлар неча юз йил давом этган. Мисрда мўмиёлаш санъати эраиздан аввалги 1500-1200 йилларда энг юқори чўққисига чиққан. Фиръавн Рамзес II жасадининг сақланиши бунинг исботидир. Мазкур ҳукмдорнинг мўмиёланган мурдаси ҳозирги кунда Қоҳира музейида сақланади.

ТУРФА ОЛАМ

Япониялик ўқувчиларни нима учун ҳар икки қўлда ёзишга ўргатишларини биласизми? Шунда миянинг ҳар иккала ярим шари уйғун ривожланади.

Қадимги римликлар ҳар гал овқатланишни товۇқ тухуми ейишдан бошлар эканлар.

Горилланинг жаҳли чиққанида тилини чиқаради.

Мол жигарини жуда фойдали деб ҳисоблашади. Бу унчалик тўғри эмас. Ҳақиқатан, у турли дармондориларга, минерал тузларга ва протеинларга бой. Аммо унда ёғ ва холестерин ҳам кўп. Бунинг устига йиррик шохли ҳайвонлар жигарида зарарли кимёвий моддалар, гормонлар тўпланади.

Статистик маълумотларга кўра, 6-10 ёшли қиз ҳар куни ўртача 8тти дақиқа кўзгу олди-


да тураркан. 10-15 ёшида унинг ташқи кўринишига эътибори кучаяди, кўзгу олдида 16 дақиқача турадиган бўлади. 25-30 ёш ораллигидаги жувон кўзгу олдида туришга кунига ярим соатгача вақтини ажратади. Шундан кейин аёлларнинг ўз аксини томоша қилиш вақти қисқариб боради. 50-60 ёшли аёл бир кунда бор-йўғи 7 дақиқа туради. Бутун умри давомида улар 242 кунини кўзгу олдида ўтказишар экан.

КРОССВОРД

Бўйига: 1. Миллат. 2. Қизлар исми. 4. Эстрада гуруҳи. 5. Даданинг синглиси. 6. Коинот. 7. Автобус русуми. 10. Айш-ишрат. 12. Ичимлик. 13. Ҳақларвар. 15. Жафокаш (озор берувчи). 16. "Алпомиш" достонидаги образ. 20. От боласи. 21. Ҳашарот. 24. Юз, чехра. 25. Европадаги давлат. 26. Озиқ-овқат маҳсулоти. 28. Ақл чархи. 29. Усимлик. 33. Физик олим. 34. Телесериал. 35. Мева. 36. Муқаддас киши.

Энига: 3. Наркотик. 5. Шифобахш ўсимлик. 8. Қадимги грек олими. 9. Асилзода аёл. 11. Оға. 14. Тропик дарахт. 17. ... Тўлаганова. 18. Мўғул ҳукмдори. 19. Сархуш. 21. Чин, табиий. 22. Тошкент шаҳар бозорларидан бири. 23. Тутқун, маҳбус. 24. Юқори даража. 27. Ноз, карашма. 30. Инкор, рад маъносиди. 31. Гулзор, боғ. 32. Интизом, обод. 37. Узун нави. 38. "Хамса" достонидаги образ. 39. Менделеев даврий системасидаги элемент. 40. Раҳбар, бошлиқ.

Азиз ФАЙЗИЕВ тузди.



ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Энига: 1. Менчик. 5. Лепецк. 10. Айиқ. 11. Арпа. 12. Ионосфера. 15. Боинг. 18. Ананд. 19. Сопрано. 20. Технолог. 21. Ҳаваскор. 24. Қорачиқ. 26. Кесим. 27. Киото. 31. Иммуниетет. 33. Изоҳ. 34. Узум. 35. Лочира. 36. Урганч.

Бўйига: 2. Ечим. 3. Инсоф. 4. Биосфера. 5. Идора. 7. Цирк. 8. Палуба. 9. Канада. 13. Индонезия. 14. Индустрция. 16. Монолог. 17. Андалиб. 22. "Қаландар". 23. Украин. 25. Хотима. 28. Омбор. 29. Чевар. 30. Поло. 32. Азон.

Бу қизиқ!

Стокгольм ҳайвонот боғига малика Виктория ташриф буюрган чоғида кутилмаган ҳодиса рўй берди. У ҳам барча маликалар сингари жамоатчилик фаолияти билан шуғулланади. Ташрифдан мақсад эса янги ишга тушадиган биноларни очиш эди.

ИСЁНКОР МАЙМУН

Бошда ҳаммаси кўнглидагидек кетаётганди. Жониворлар қирол оиласи аъзосига рисоладагидек ҳурмат-эҳтиром бажо айлаб, тартиб сақлашарди. Аммо олий мартабали меҳмон горилла туткинликда сақланаётган қафас ёнига борганда, бу улкан маймун хурмача қилигини намойиш этди. Унинг гайрати жўш уриб кетди. Ўша куни кайфияти ёмон эканми ё "болалигидан" маликалару бошқа

киборларни жини суймасканми. Нима бўлганда ҳам қўлига илинган нарсани Викторияга қараб отаверди. Ўзиям олдиндан бунга тайёргарлик кўриб, "ўқдори" ғамлаб қўйган экан. У отган ёғоч парчалари, егулик қолдиқлари, қарам пўстлоқларидан фақат айримларигина нишонга тегмади, холос. Бу исёнкор маймун хизматчилардан яширинча узоқ вақт машқ қилганини кўрсатарди.

Малика Виктория горилланинг безорилигидан ранжимади, аксинча кулиб қўя қолди. Аммо ҳайвонот боғи хўжайинлари кўрқиб кетишди. Улар маймунга сеvimли таомларидан уч кунга маҳрум қилишларини айтишди. Горилла ҳукми мағрурлик билан эшитди, унинг кўзларида исён ўти чақнарди.



Саҳифа материалларини А. АЛИЕВ ва ХУРШИД тайёрладилар.

ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
Tahririyati

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.
Murod
TILLAYEV
Mas'ul
kotib
R. BERDIYEV

Navbatchi
S. SHAMSIDDINOV
Sahifalovchi
Z. BOLTAYEV
Musahhah
G. XOLIQOVA

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinbosari 139-75-69.
Kotibiyat 59-20-96.
muxbirlar
bo'limi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat
bankining Mirzo
Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma 7 — 489. Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida. 42507 nusxada chop etildi.

● Ko'chirib bosishda
«Postda» dan olinganligini
ko'rsatish shart
● Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
● Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba
kunlari chiqadi.
Bosishga topshirish vaqti — 20.00.
Bosishga topshirildi — 20.00.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida
chop etildi.

Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.